



Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

2020-yil

24-dekabr

payshanba

№ 47 (4485)

Postda На посту

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

МУДОМ ХИЗМАТДА СОБИТ



Ер юзи сайқали ҳисобланмиш Самарқанд шаҳри осойишталигини сақлаш вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонининг жонкуяр ходимларининг ҳам зиммасида. Аини пайтда улар икки сменада хизмат олиб бориб, фуқаролар хавфсизлиги, шаҳар осойишталигини муносиб таъминлаб келишмоқда.

Ходимлар хизмат фаолияти давомида ҳар хил вазиятларга дуч келишади. Яхши хизмати билан бирга салбий хатти-ҳаракати ҳам эътиборсиз қолмайди. Хайрли иши, хушмуомалалиги билан тизим имижини кўтарса, нотўғри хатти-ҳаракати билан бутун тизимга доғ тушириши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ходим хатога йўл қўймасдан, виждонан хизмат олиб бориши лозим. Нохуш воқеалар, ҳар хил ҳуқуқбузарликларга муросасиз бўлиши керак.

Ўзбекистонда бошқарув лавозимларида ишлаётган аёлларнинг улуши 26,6 фоизга етди.

Бу ҳақда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш масалаларига бағишланган анжуманда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева маълум қилди.

«Бу биз учун жуда катта муваффақият, деб ҳисоблайман. Эндигина Хотин-қизлар кўмитасида иш бошлаганимда, менга шаҳар ва туман ҳокимликларида аёлларнинг ўрни йўқ деб айтишар эди», — деди Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева.



ЖАРАЁН

ЭМЛАШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни пайтда дунё олимлари коронавирусга қарши вакцинани яратиш устида қизгин иш олиб боришмоқда. Шу ўринда ҳар бир янги дори-дармон, жумладан, вакциналар ҳам ишлаб чиқарилганидан кейин бир неча босқичда синновдан ўтказилишини таъкидлаш жоиз.

Аввал хабар қилганимиздек, ички ишлар органлари ходимлари, фахрийлари ва уларнинг оила аъзолари орасидан кўнгилчиларни хавфсиз эмлаш ИИВ Марказий поликлиникаси, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИББ Тиббиёт бўлимлари поликлиникалари қошида ташкил этилган вакцинация пунктларида бошланган.



ИИВ Тиббиёт бошқармаси тақдим этган маълумотга кўра, айни пайтгача 1148 нафар кўнгилли вакцинани қабул қилиш учун мурожаат этган. Олиб борилган тиббий текширувлар натижасида 229 нафар ходим ушбу вакцинани қабул қилган. Эмланган ходимларнинг саломатлиги шифокорлар назоратида. Уларнинг умумий аҳволи қониқарли, шикоят ва эмлашнинг ноҳўя таъсирлари кузатилмади.

Ҳозирги кунда белгиланган тиббиёт шохобчаларида ушбу йўналишдаги ишлар давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ТАДБИР

КОРРУПЦИЯГА МУРОСАСИЗ БЎЛИШ КЕРАК

«Декабрь – Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ойлиги» деб эълон қилингани муносабати билан Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш батальонида тадбир ўтказилди.

Унда Термиз ҳарбий прокурори ўринбосари, адлия подполковниги Сардорбек Ёрматов, Термиз давлат университети доценти, юридик фанлари номзоди Ҳаким Расуловлар сўзга чиқиб, мамлакатда коррупция иллатига қарши курашиш учун олиб борилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирларнинг моҳияти ҳақида батальон хизматчиларига тўшунча беришди.

Тадбирда, шунингдек, коррупция билан боғлиқ айрим ҳолатларга фуқароларнинг етарли ҳуқуқий саводхонликка эга эмаслиги, қолаверса, қонунларни менсимаслик каби ҳолатлар сабаб бўлаётгани айтилди. Шу боис ҳарбий хизматчилар ҳам қабул қилинаётган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар билан танишиб бориши, улардан хабардор бўлиши лозимлиги қайд этилди. Шу билан бирга, уларнинг маънавий савиясини ҳам ошириш, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик кайфиятини уйғотиш муҳим саналиши таъкидланди.

Ф. РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.

ИНСОНПАРВАРЛИК

ВАТАН ТАШЛАБ ҚЎЙМАС ТАҚДИР ИЗМИГА

Дунёнинг турли давлатларида пандемиянинг оғир босқичлари кузатилаётганига қарамай, давлатимиз раҳбарининг бевосита назорати остида «Меҳр-3» операцияси амалга оширилди. Яъни, Суриядан 98 нафар ўзбекистонлик – 25 нафар аёл ва 73 нафар ёш бола, жумладан, 14 нафар чин етим ватанга қайтарилди.

Ўша куннинг ўзидаяқ, улар Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Бўстон» санаториясига жойлаштирилди. Дарҳол чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди, Covid-19га тест намуналари олинди.

Уларнинг санаторийда яшashi учун барча шарт-шароитлар етарли. Ҳаммалари шинам тураржой, иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланди. Айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг таълим олиши учун синф хоналари, мактабгача таълим ёшидаги жажжи кичкинтойлар учун эса махсус хоналар тайёрланган. Улар билан ҳар куни малакали мутахассислар тиббий ва психологик суҳбатлар ўтказмоқда.

– Ватанга қайтиш бахтига мен эришдим, аммо у ерда шу кунни интиқ кутаётганлар қанча, – дейди З. Муродбоева. – Аёл, она учун асл бахт фарзандларининг камоли, тарбияси экан. Уларга эртанги тинч ва осуда кунни ҳада қилиш чинакам бахт экан. Мен хатоларимни тушуниб етдим. Ўткан кунлар кўз ўнгимдан кетмас из бўлиб қолди. Юртбошимиз бизга имкон бериб, уруш ўчоғидан тинч ва осуда она ватанимизга қайтаргани учун миннатдорман. Фарзандларимни она Ватан равнақиға ҳисса қўшадиган жасур ўғлонлар қилиб вояга етказишга сўз бераман.

Суриядан қайтган ватандошларимиз айни пайтда дам олиш масканида карантинда сақланмоқда. Ҳозирданок мутасадди ходимлар томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига, умумтаълим мактабларига, хотин-қизларни эса ишга жойлаштириш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган. Улар соғлом, тинч ҳаётга қайтарилади, тўлақонли мослашуви учун зарур шарт-шароит яратилади. Шунингдек, уларнинг шахсини тасдиқловчи паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқа керакли ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилади. Бир сўз билан айтганда, ҳозиргача фақат буғуни билан яшаб келган, ҳар кеч жони ҳадикда, яна тонг отишига ишониб-ишонмай уйкуға ётган 98 нафар инсон энди эртанги кунга ишонч туйғуси билан, таъбир жоиз бўлса, янги ҳаётда умр кечира бошлайди. Президентимиз ташаббуси, ҳукуватимиз, масъул вазирлик, идоралар саъй-ҳаракати билан улар қалбига эзгулик, меҳр, қўйинги, барча инсоний фазилатлар уруғи қадалди.

Давлатимиз раҳбарининг бағрикенглик сиёсати асосида амалга оширилаётган инсонпарварлик операцияси ҳали яна давом этишига ишонамиз. Зотан, ҳукуватимиз ҳеч бир ўзбекистонлик фуқарони оқибати аянчли бўлган тақдир измига ташлаб қўймайди.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» мухбири.



МУДОМ ХИЗМАТДА СОБИТ

(Давоми. Бошланғиш 1-бетда).

Тунги хизматолди йўриқнома-масида вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, майор Амир Хайдаров шахсий таркибга шулар ҳақида гапирди.


Шундан сўнг ходимларга зарур кўрсатмалар берилди, хизмат пайтида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар айтиб ўтилди. Шахсий таркиб тунги хизматга киришди. Биз ҳам батальон ходимларининг хизмат жараёнини кузатиш мақсадида уларга ҳамроҳ бўлдик.

Бетакрор меъморий мажмуа – Регистон майдони. Бу ерга ташриф буюрувчилар унинг кечки кўринишини завқ билан кузатишмоқда. Шу пайт бир гуруҳ ўсмирлар бақирчақир қилганча баланд овозда кулиб, атрофдагиларнинг эътиборини ўзига тортди.

Норози оҳангда гапирганлар бўлди. Ўсмирларнинг бу хатти-ҳаракати шу ерда хизмат олиб бораётган батальоннинг 4-отряд сафдор ходимлари Одилжон Қўчқоров ва Алижон Муҳитдинов назаридан ҳам четда қолмади. Ходимлар йигитлар билан ҳарбийча саломлашиб, ўзларини таништирди. Уларнинг фуқаролик паспортини кўздан кечиргач, жамоат жойида шовқин кўтармасликни, атрофдагиларни ҳурмат қилиш лозимлигини уқтиришди. Бироз олдин кўчани бо-

шига кўтараётган йигитлар ўз айбини ҳис қилиб, узр сўраганча йўлда давом этишди.

Шаҳарнинг «Кўксарой» майдонида вилоятнинг энг катта арчаси ўрнатилган. Майдонда аллақачон байрам шукуҳи ҳукм сурмоқда. Отряд командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Шавкат Исроилов бу ерда хизмат олиб бораётган ходимлардан вазият ҳақида маълумот олди. Уларга йўриқнома бериб, майдонда хушёрлики янада ошириш, бу ердаги вазият



ҳақида тез-тез ахборот бериб туришларини тайинлади.

Шу куни Самарқанд шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБга ташвишли хабар келди. Фуқарога икки нафар номаълум шахс ҳужум қилиб, қимматбаҳо телефон аппарати ва соатини талончилик йўли билан олиб қочибди. Тезкорлик билан олиб борилган ҳаракатлар натижасида талончилар ашёвий далиллар билан ушланди. Уларни қўлга олишда 3-отряд командирининг ўринбосари, катта лейтенант Шавкат Исроилов, кичик сержант Элёр Хўжанов, сафдорлар Равшан Бутунов ва Ҳабибулла Муҳитдинов алоҳида жонбозлик кўрсатди.

Шу куни атиги икки соат давомида Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальони ходимлари билан бирга бўлдик, уларнинг хизмат фаолиятини кузатдик. Этни жунжуктирадиган совуқда ҳамма уйига шошаётган бўлса-да, қасамёдига содиқ посбонлар ўз постида, хизмат вазифасида собит турганига амин бўлдик, муомала ва хизмат маданиятидан қониқиш ҳосил қилдик. Тилагимиз – имижингизни ҳар доим шундай сақланг, азиз осойишталик посбонлари!

Абу КЕНЖАЕВ,
«Postda» фотомухбири.
Самарқанд вилояти.
Муаллиф олган суратлар.



ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

СИНЧКОВЛИК – МУҲИМ ЖИҲАТ

Ўтган йили Кегейли тумани ИИБга келиб тушган мурожаатлардан бирида ушбу туманда яшовчи Т. исмли фуқаро 3 нафар юртдошини хориж давлатларидан бирида қурилишда ишлаш учун ёллаб, иш ҳақини бермасдан, алдаб келаётганлиги тўғрисида хабар берилган эди.

Ушбу мурожаатни кўриб чиқиш майор Гулмурат Матқурбановга топширилди. У ишни, энг аввало, фуқаро Т.нинг ҳозирда қаерда эканлигини аниқлашдан бошлади. Маълум бўлишича, у анчадан бери хориждан келмасдан, оиласидагилар билан фақат телефон орқали гаплашиб турар экан. Шу боис ота-онаси билан ўтказилган суҳбат чоғида ўғлининг қилган иши нотўғри эканлиги, бунинг учун қонуний тартибда жазога тортилиши мумкинлиги тушунтирилди.

Қолаверса, шу жойнинг ўзида ота-онаси иштирокида Т.нинг ўзи билан телефонда боғланиб, қилган ишининг оқибатлари фақат ўзига зарар келтириши яна бир бор таъкидланди. Ўз навбатида, фуқаро Т. ҳам айбига иқрор бўлиб, пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини, лекин тез орада қайтаришини айтди. Кўп ўтмай, мурожаатчилар пулларини тўлиқ олгани ва бунинг учун миннатдор эканликларини билдиришди.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб билган майор Г. Матқурбановнинг фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тахиятош туманида туғилган Г. Матқурбанов ўқувчилик пайтлариданок, спортнинг бокс тури билан шуғулланиб, кейинги ҳаётини спорт билан боғлашни орзу қилди. Лекин профилактика инспекторининг мактабдаги учрашувларнинг бирида унга «Сен чаққон ва саводли йигитсан, қолаверса, спорт билан шуғулланиб келяпсан. Тўғриси, ички ишлар соҳасини танласанг, одамларга кўпроқ фойданг тегади. Мен сенга 9-синфдан сўнг ихтисослашган ҳарбий лицейга ҳужжатларингни топширишни тавсия қиламан» дегани янада куч бағишлади.

Бу ҳақда уйдагиларга маслаҳат солганида, онаси Гауҳар опа «Ёлғиз ўғлимни шундай узоқ жойга ўқишга қандай юбораман» дея қарши бўлганди. Лекин турмуш ўртоғи Зарипбой аканинг «Агар ўғлимиз чин кўнгилдан хоҳлаётган бўлса, қизиқишини сўндирма» деган гапига индамай рози бўлди.

2004 йили Фарғона вилоятидаги Фуломжон Зокиров номидаги лицейга ҳужжатларини топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтган Г. Матқурбанов ўқиш даврида ҳам ўзининг фаоллиги билан кўзга ташланди. Айниқса, ихтисослашган ҳарбий

лицейлар ўртасида ўтказиладиган «Амир Темур авлодлари» танловларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

У 2010 йилда ИИБ Академиясини муваффақиятли тамомлагач, илк хизмат фаолиятини Қўнғирот туманидаги 71-сонли Жазони ижро этиш колониясида бошлади. Бу ерда тезкор вакил, катта тезкор вакил, тезкор қидирув бўлими бошлиғи ҳамда Нукус шаҳридаги 9-сонли тергов ҳибсхонаси катта тезкор вакили лавозимларида фаолият юритди. 2019 йилдан буён Кегейли тумани ИИБ катта тезкор вакили лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

– Ички ишлар ходими учун хизмат давомида энг зарур бўлган жиҳатлардан бири – одамлар психологиясини яхши англаш, кўнглига йўл топа олишдир, – дейди майор Г. Матқурбанов.

Бундан ташқари, жиноятларни фож этишда ҳам кишига психологик жиҳатдан тўғри ёндашиш, унинг ҳар бир жавобини диққат билан тинглаш ва зарур саволларни бериш орқали масаланинг ечимини топиш мумкин.

Бир сафар туманда бўлган мол ўғрилигида жиноятчилар ҳеч қандай из қолдирмагани. Бу эса ўғрилиқни содир этган шахснинг анча тажрибали эканлигини аниқларди. Худуддаги гумон қилинувчилар билан бирма-бир суҳбат олиб борилар экан, улардан бири ўзини сал ғалатиноқ тутаётгани, айбини тан олиш ўрнига, шу куни ўртоғининг уйда меҳмонда бўлгани-



ни тасдиқларди. Унинг кўрсатмаларидан қониқмаган осойишталик посбони яна уни суҳбатга чақирганида, аввалгисидан айтилмаган бошқа тафсилотларни ҳам қўшиб бошлади. Лекин у тушунтиришда чалқашиб кетади ва бошқа ёлғонларни тўкиди. Ахийри, ўзини ошкор қилган ўғри қилмишини тан олишга мажбур бўлди.

Хизмат фаолиятида бундай ижобий натижаларни қўлга киритишда устозлари подполковник Оразбай Қурбанбаев ва капитан Ҳабибулла Абдулаевларнинг улкан меҳнати сингган.

Майор Г. Матқурбановнинг фидокорона хизматлари давлатимиз томонидан ҳам муносиб эътироф этилиб, жорий йилда «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Бу мукофот бутун жамоамиз фаолиятига берилган юксак баҳодир, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Бунинг учун Президентимиз ҳамда Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Postda» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси.

АЁЛ. ОИЛА. ЖАМИЯТ

Барно ҳаётида бир бор адашди. Жиноятга қўл урди. Бунинг учун жазоланди ҳам. Бироқ бу жазо унинг ҳаётдаги мақсадию маслагининг ўзини бутунлай бошқа томонга буриб юборди.

Уйига қайтгач, Термиз шаҳар ИИОФМБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, катта лейтенант Салтанат Алланазарова у билан тез-тез учрашадиган, аҳолидан хабар оладиган бўлди. Баъзан уларнинг суҳбати соатлаб чўзиларди. Бу суҳбатлар эса Барнонинг ҳаётга бўлган қарашларини ўзгартира бошлади, ўзига бўлган ишонч туйғуси куртак ёзди. Инспекторнинг унга кўмак бермоқчи эканлигини билгач, режалари ҳақида сўзлаб берди. Ахир, қўлида гулдек хунари бор, нега энди, ундан фойдаланмаслиги керак?!

Хуллас, банкдан кредит олиб, кичик тикувчилик цехи очиш нияти борлигини айтди. Салтанат Алланазарова дарров унга керакли ҳужжатларни расмийлаштиришига ёрдам берадиган мутахассис топиб берди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди. Тезда инспекторнинг ёрдами билан ижарага жой топилди ва 10 та тикув машинаси харид қилиниб, мўъжазгина цех ташкил этилди.

Цехда аввалига чойшаблар, кейинроқ буюртмага қараб болалар ва катталар кийимларини ҳам тикиш бошланди. Энг муҳими, Барно ўзига ўхшаган ҳаётда қийналган ва ёки адашиб, тузалиш йўлига ўтган хотин-қизларни ишга олиб, уларга ўз хунарини ўргатишга аҳд қилди.


– Барно каби тузалиш

Барно ҳозир ҳам Термиз шаҳар ИИОФМБ пробация ҳисобида туради. Лекин бу фақат ҳужжатларда, холос. Аслида эса, у ички ишлар органларининг яқин ҳамкори ва ажойиб тадбиркорга айланган.

йўлига ўтган хотин-қизларимиз бугун кўпчиликини ташкил этади, – дейди катта лейтенант Салтанат Алланазарова. – Бу йил биз ўнлаб ана шундай хотин-қизларга ўз ишини ташкил этишда, ишга жойлашиши ва касб эгаллашида, моддий ёрдам олиш, даволанишида ёрдам бердик. Улар орасида оилада тазйиққа учраганлар, қариндошлари ишлашга рухсат бермагандар, касаллиги ҳақида маълум қилишга журъат эта олма-

ганлар ҳам бор. Биласизми, хотин-қизлар билан ишлаш жуда нозик иш, шу сабабли ўта эҳтиёткор бўлиш зарур. Негаки, аёллар бизга дарров ишониб, муаммоларини маълум қилишмайди, шу боис аёлга қўл кўтариш куч-сиэларнинг иши эканлигини, янги келиннинг қариндошларига унинг таълим олиши келгусида оилага фойда бўлишини тушунтира олган ҳолларимизни ўзимиз учун муваффақият, деб ҳисоблаймиз.

Ҳа, аёлнинг дардини кўтариш осон эмас. Айниқса, у зўравонлик, тазйиқлар билан боғлиқ бўлса. Бинобарин, Термиз шаҳри турли ҳудудлардан турли миллатга мансуб одамлар келиб яшайдиган криминоген вазияти оғир ҳудуд саналади. Бугун бу ерда 86 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар истиқомат қилади. Уларнинг яшаш тарзию оилавий муҳити ҳам ҳил бўлгани каби, муаммолари ҳам турлича. Шу боис шаҳар ИИОФМБда хотин-қизлар масалалари бўйича фаолият



юритаётган 4 нафар инспекторнинг иши доим қизгин кечади. Улар профилактик ҳисобда турувчи, жиноят қилишга мойиллар, ичкиликка ружу қўйганлардан тортиб низоли оилаларгача бориб, хотин-қизлар билан профилактик суҳбатлар олиб боришяпти.

– Ҳимоя ордери институтининг жорий қилиниши оилалардаги жанжаллар, тазйиқ остида яшовчи хотин-қизларимизни ҳимоялашда қўл келмоқда, – дейди бошқарманин хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант Гўзал Бозорова. – Бу йил ана шундай хотин-қизлари-

НОЗИК ИШНИНГ СИРИ БОР



мизнинг 50 нафарига ҳимоя ордери берилди. Бу кўпчилик оилалардаги жанжалли ҳолатларга барҳам берди.

...Нозима болалар музика ва санъат мактабида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўз ишини яхши кўради, ишга вақтида келиб-кетди. Аммо, нима бўлди-ю, раҳбари билан оралари бузилди. Директор э йўқ, бе йўқ Нозимага унинг устидан шикоятлар тушаётганини рўқач қилиб, ишдан кетишини сўраб тазйиқ ўтказа

Фаҳмлаган бўлсангиз, гап таълим муассасасида ишлаётган вақтида тазйиққа учраган аёлга ҳимоя ордери институтини қўллаш ҳақида боряпти. Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган мазкур амалиёт орқали хотин-қизларимиз бугун нафақат оилавий-маиший зўравонликдан, балки жамиятдаги бошқа айрим тазйиқлардан ҳам ҳимояланганини кўрсатади. Термиз шаҳар ИИОФМБ хотин-қизлар билан ишлаш амалиёти-

– Аммо бир муаммомиз бор, – дейди лейтенант Гўзал Бозорова. – Бу вилоятда ягона саналган Реабилитация ва мослаштириш маркази фаолиятидаги айрим камчиликлар билан боғлиқ, Мисол учун, руҳий тушкунликка тушган, жиддий муаммоларга дуч келган хотин-қизларни биз ушбу марказга жойлаштиришимиз, бу ерда эса улар билан психолог суҳбат олиб бориши, тикувчилик, пазандачилик каби хунарларни ўрганиши лозим. Тушкунликка тушган аёлни яна фаол ҳаётга қайтариш, унинг руҳиятини тетиклаштириш учун булар зарур. Реабилитация марказида эса бундай шароитлар яратилмаган. Тўғри, психологлар бириктирилган, аммо улар жамоатчилик асосида фаолият юритади, холос. Қолаверса, ётоқ жойлари ҳам етарли эмас, озиқ-овқат таъминоти йўлга қўйилмаган. Бухоро вилоятидаги ана шундай марказда бўлганимизда, бундай шароитлар мавжудлигига ва бу иш жараёнида катта ёрдам беришига гувоҳ бўлганмиз. Муаммо вилоят миқёсида ҳал қилинадиган масала бўлгани учун бир неча бор мутасаддиларга мурожаат қилдик. Агар ушбу мурожаатларимиз инобатга олинми, марказнинг фаолияти яхшиланса, қанчадан-қанча аёлларнинг кўнгил ярасига малҳам қўя олардик.

Суҳбатдошимизнинг гапларида жон бор. Чиндан ҳам, қийин аҳволда қолган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари жойларда ўз самарасини бераётгани сир эмас. Ўйлаймизки, Термиз шаҳар ИИОФМБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг таклифлари ерда қолмайди.

Феруза РАХМОНҚУЛОВА,
«Postda» муҳбири.
Сурхондарё вилояти.

Дарвоқе,
бўлим инспекторларининг саяё-ҳаракати билан ҳудудда ўтган давр мобайнида аёллар томонидан содир этилган жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг камайишига ҳам эришилди. Фарзанди тарбиясига ноҳўя таъсир кўрсатадиган ота-оналар эса бирор марта ҳам рўйхатга олинмади.

да ҳам шундай ҳолатга дуч келинди ва у ўз натижасини берди.

бошлади.

Нозима анча вақт сиқилиб юрди. Ахир, шундоғам иш топиш муаммо бўлиб турган бир пайтда ким ҳам сабабсиз ишини йўқотишни истарди. Шу сабаб Термиз шаҳар ИИОФМБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мурожаат асосида Нозиманин ходим сифатида мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилишидан тортиб феъли, юриш-туриши, ахлоқи, мактабдаги вазият – барча-барчаси обдон ўрганилди. Сўнг ходимини тазйиққа олган раҳбар оғохлантрилиб, аёлга ҳимоя ордери берилди.

ХИЗМАТЛАРДА

АСОСИЙ МУДДАО – СИФАТЛИ ВА ХОЛИС ТЕРГОВ

Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузурдаги Тергов бошқармаси ва унинг қуйи бўлинмалари терговчи ва суриштирувчилари томонидан вилоят ҳудудидида криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини «иссиқ изида» фоз этиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий дахлсизлигини таъминлаш, тергов сифатини яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки ўн бир ойи давомида 2837 та жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди. Жиноят ишларини судга юбориш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 290 тага кўпайиб, 1782 тани ташкил этди. Шу билан бирга, 199 та жиноят иши реабилитация учун асослар мавжудлиги сабабли, 73 та жиноят иши шахснинг айбллик масаласини ҳал қилмай туриб, 219 та жиноят иши шахснинг жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетгани сабабли тугатилди.

Шу даврда терговчи ва суриштирувчилар томонидан 35 та очилмаган жиноят фоз этилиб, қидирувда юрган 35 нафар шахс ушланди. Тамомланган ишлар бўйича етказилган жами 23,8 миллиард сўмлик моддий зарар-

ҳуқуқларини таъминлаш учун тергов бўлинмаларида адвокатлар учун алоҳида хоналар ташкил этилди.

Жиноят ишини тергов қилаётган ходим ўз устида ишламаса, касбини яхши билмаса, бу иш сифатига салбий таъсир қилиб, иштирокчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ходимларимизнинг билими ва касб маҳоратини оширишга қаратилган ўқув машғулоти мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ИИВ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга кўра, жиноят ишлари бўйича судларда ёш терговчилар иш ўрганиш амалиётини ўтаб келмоқда.

Хизмат фаолиятида самарадорликка эришаётган, ҳамкасбларига ўрнат



нинг 22,1 миллиард сўми қопланиши таъминланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан қийноққа солиш ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда ҳазо турларини қўллаш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқарма ва унинг қуйи бўлинмалари суриштирувчи ва терговчиларнинг жинойи-процессуал ҳаракатларни амалга оширадиган 90 та хизмат хонаси тасвирга олиш ҳамда овоз ёзиш хусусиятига эга бўлган видеокузатув камералари билан жиҳозланди. Шунингдек, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳимоя

бўлаётган ходимларнинг хизматини эътироф этиш, рағбатлантириш фаолият самарадорлигига ижобий таъсир қилиши синалган усулдир. Шунга мувофиқ, хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришган 38 нафар ходим турли қимматбахо совғалар, пул мукофотлари, қолаверса, ташаккурнома ва фахрий ёрликлар, 11 нафар ходим эса Тергов департаментининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ҳукумат қарорига асосан, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни фоз этгани ва намунали тергов қилгани учун 26 нафар терговчига пул мукофотлари топширилди.

Тимур МУСТАФОЕВ,
Наманган вилояти ИИБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Шифокорлик инсон тақдири билан боғлиқ ўта масъулиятли ва шарафли касб. Касбий бурчини чуқур англаган, эл-юрт тақдирига дахлдорлигини ҳис қилган ҳар бир тиббиёт ходими ҳозирги оғир вазиятларда давлатимиз раҳбарига, халқимизга елкадош бўлиш мақсадида фидойиларча меҳнат қилмоқда. Ана шундай салоҳиятли ва жонкуяр тиббиёт соҳибларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.



ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР БЎЛСИН!



ИИВ Санитария-эпидемиология нazorати бош марказининг санитария-гигиена лабораторияси врач-лаборант Наргиза Маликова зиммасига пандемиянинг дастлабки кунлариданоқ коронавирус инфекциясига лаборатор таҳлил олиш вазифаси юклатилди. У қалб амрига сўзсиз бўйсуниб, вирус ўчоғига ҳеч иккиланмай, кўрқув ва ҳадикка оғишмай, отилиб кирди. Вирус ўз ҳаёти ва оиласи учун ҳар қанча ҳафт солмасин, касбий қасамёдига содиқ қолиб, инсонлар саломатлиги йўлида фидокорона кураш олиб бормоқда.

– Дастлабки кунлари одамларда кучли кўрқув ва хавотир бор эди, – дейди Наргиза опа. – «Оғримайдими? Таҳлилим адашиб кетмайдими? Таҳлил топшираётми касаллик юктириб олмайманми?..» каби саволларнинг адоғи йўқ эди. Таҳлил олишга борарканмиз, уларнинг коронавирус ҳақидаги барча саволларига жавобимиз шай туриши керак эди. Бугун кўпчилик касаллик ҳақида етарлича маълумотга эга. Ундан қандай ҳимояланиш кераклигини яхши билади. Беморлар сони ҳам анча камайган. Бу, албатта, тизимли равишда олиб борилаётган машаққатли меҳнатлар самарасидир. Ички ишлар вазирининг 2020 йил 25 июлдаги фармо-

йиши билан Ички ишлар вазирлиги Санитария-эпидемиология нazorати бош маркази тасарруфида илк бор Полимераза занжирли реакцияси (ПЗР) лабораторияси ташкил этилди. Шу ўринда айтиш жоизки, дунёда Covid-19нинг лаборатория диагностикаси бўйича бир нечта усул мавжуд, аммо айни пайтда фақат ПЗР усули ушбу ташхисни тасдиқлаш учун асосий лаборатория тадқиқоти ҳисобланади.

Наргиза Маликова нақадар шарафли касбда хизмат қилмасин, ўзи ва оиласи учун хавотирли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Биз ундан бу ҳақда сўраганимизда у қуйидагича жавоб берди:

– Тўғри, фикрингизга қўшиламан. Турли юқумли касалликларга, инфекцияларга қарши таҳлил оламиз. Ҳар хил беморлар билан мулоқотда бўламиз. Ҳар кунни уйдан ишга чиқар эканман, оиламни, фарзандимни ўзи асрашини тилаб дуо қиламан. Дуо орқали ўзимга кўрғон ясагандек, хотиржам бўламан.

Дарҳақиқат, қалби эгнидаги оқ халатидек оппоқ самимий шифокорларимизнинг барча-барчасини Аллоҳ ўз паноҳида асрасин, деймиз.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
«Postda» мухбири.

МАЪНАВИЙ МУҲИТ ВА ПСИХОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

Ходимларнинг хизмат жараёни кучли зўриқишлар, стрессли вазиятлар билан боғлиқ. Шунинг учун ички ишлар органлари тизимида психология фанининг ютуқларидан ва илғор янгиликлардан фойдаланган ҳолда, шахсий таркибнинг белгиланган вазифаларини бажаришларида ижобий натижаларга эришиш муҳим.

2010 йилдан бошлаб ички ишлар органлари тизимида психология таъминлаш гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, шахсий таркибнинг руҳий тайёргарлигини ошириш ва фавқуллодда ҳодисаларнинг олдини олиш уларнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.



Нурафшон шаҳар ИИБ психологик таъминлаш гуруҳи катта психологи, лейтенант Манзура Жумабоева вазирликнинг тегишли буйруғи талаблари асосида ходимлар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказмоқда. Шахсий таркибнинг психология борасидаги билимини ошириш, унинг усул ва методларидан самарали фойдалана олиш, экстремал вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятини ривожлантириш

мақсадида семинарлар ташкил этмоқда.

Салбий ҳулқ-атворга мойиллиги бор ходимлар ўз вақтида аниқланиб, улар билан психологик суҳбатлар ўтказилляпти. Зарур ҳолатларда ходимларнинг хонадонига бориб, шахсий ва оилавий муаммоларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам берилмоқда.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.
Тошкент вилояти.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ОЛДИДАН

ЎТКИР КЎЗ ВА САБОТЛИ ЮРАК ЛОЗИМ



Қайсидир операциянинг муваффақиятли якунланиши, баъзан бизнинг хавфсизлигимиз ҳам айнан уларга боғлиқ. Чунки снайпернинг иши осон эмас, гоҳида нишонни кузатиш чоғида бир неча соатни қимирламасдан ўтказишига тўғри келади.

Саф тортиш, саф кўриги, нарядлар, машғулотлар... ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли Андижон вилоятидаги 7553-ҳарбий қисмининг махсус вазибаларни бажарувчи гуруҳи снайпернинг иш кунлари мана шулардан иборат. Негаки, ҳар қандай ҳолатда ҳам, снайпер доимо шай туриши, қуроли эса соз ва тайёр бўлиши лозим.

Сухбатдошим – катта мутахассис-снайпер, 1-даражали сержант Зафар Аноров ўз ҳаётини шундай хавfli ва мураккаб касбга боғлашини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди. Негаки, у болалигида муҳандис бўлишни орзу қилганди. Ҳозир эса, табиати снайпер бўлишга мос эканлигини яхши билади.

Оғир ва босиқ Зафар Аноров ҳар қандай нишонни узоқ вақт кузатиб ўтириши мумкин. Унинг кўли ҳеч қачон титрамайди, ўткир кўзи бошқа биров пайқаб улгурмаган нарсаларни ҳам кўра олади. Зафарни таниганлар унинг

айнан шу касб учун туғилганига ишонишади.

– Мەرған вазмин бўлиши керак. Баъзан нишонни кузатгандан кўп эмаклаб ўтишга тўғри келади. Шунинг учун бегона товушларга мутлақо эътибор қаратмаган ҳолда объектга яширинча яқинлашиш зарур, – дейди қаҳрамонимиз.

Снайпер учун бажариб бўлмайдиган топшириқнинг ўзи йўқ, лекин ўқ узиш ҳар доим осон эмас. Баъзан махсус операциялар чоғида снайперлар хавfli жиноятчиларни нишон остида ушлаб туришга, хавфнинг олдини олишга тўғри келади.

Зафар Аноров Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги кўп болали оилада туғилиб, вояга етган. Отаси Райим ака, онаси Ойша опа етти фарзанд – икки қиз ва беш ўғилни камолга етказишди. Барчаси турли касбларда фаолият юритишади. Укалари Мансур ва Қобил унинг изидан боришди.

– Муддатли хизматни ўтаб қайтгач, келгуси ҳаётимни Ватанга хизмат қилишга бағишладим, – дейди 1-даражали сержант Зафар Аноров. – 2002 йилда мени ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли 7533-ҳарбий қисм-

га назоратчи лавозимига шартнома асосида хизматга қабул қилишди. Кейинчалик қоровул хизмати бошлигининг ўринбосари, қоровул хизмати бошлиғи, жанговар гуруҳ катта мутахассиси сифатида фаолият юритдим. 7553-ҳарбий қисмда эса 2016 йилдан бери хизмат қиламан.

– Зафар Аноров кўплаб ёшларнинг устози саналади, – сухбатга қўшилиди ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Суннат Каримов. – Шоғирдлари Шоҳруз Нунназаров, Дилшод Эгамбердиев ва Нуршод Бозоров унинг хизматга доир тажрибасини ўрганишмоқда.

1-даражали сержант З.Аноров хизматдан бўш вақтида спорт билан шуғулланади. Жорий йилнинг март ойида Қоровул қўшинларининг енгил атлетика бўйича биринчилигида 1000 метрга югуриш бўйича биринчи, узоққа сакраш бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Зафар Аноров нафақат намунали ҳарбий хизматчи, балки оилапарвар инсон ҳам. У турмуш ўртоғи Азиза билан беш фарзанд – тўрт қиз ва бир ўғилни вояга етказишмоқда.

Борис КЛЕЙМАН,
«На посту» мухбири.

Суратда: Зафар Аноров машғулот пайтида.

Муаллиф олган сурат.

УСТОЗ-ШОГИРД

АНЪАНАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Вақтни учқур тулпорга қиёлашади. Чунки асов тулпор каби, бир жойда тўхтаб туриш вақтга ёт хусусият. Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази махсус тадқиқотлар бўлими бошлиғи, подполковник Қосимжон Эргашев хизмат фаолиятини марказида эксперти лавозимига бошлаган эди. Шунга ҳам қарийб 20 йил бўлибди.

Ўтган давр мобайнида Қ. Эргашев интилувчанлиги, фидойилиги ва масъулиятни чуқур ҳис этиши билан ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Малакали мутахассиснинг хизматлари раҳбарият эътиборидан четда қолмади, албатта. Бу, ўз навбатида, подполковник Қ. Эргашевнинг катта эксперт, бўлима бошлиғи, бўлим бошлиғи лавозимларида фаолиятини самарали давом эттиришига замин яратди.

Кечагина шоғирд сифатида ички ишлар органларида хизмат фаолиятини бошлаган Қ. Эргашев бугун тажрибали мураббий. Ёш осовишталик посбонларига касбнинг сир-асрор-

ларини пухта ўргатиб, уларнинг етуқ кадр бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшиб келаётди.

Эксперт-криминалистика маркази махсус тадқиқотлар бўлими эксперти, лейтенант Шоҳруҳ Давлатов ана шундай умидли шоғирдларидан бири.

У шу йил Россия Федерацияси ИИБ В.Я. Кикоть номидаги Москва университетини суд-экспертизаси мутахассислиги бўйича тамомлаб, ҳодиса жойини кўздан кечиришдан ташқари, еттита мустақил экспертиза турини ўтказиш бўйича гувоҳномага эга бўлди.

– Сентябрь ойида ички ишлар органларида хизматни бошлаган Шоҳруҳ тергов-тезор гуруҳи таркибида 30 мартадан зиёд ҳодиса жойини кўздан кечириб, ашёвий далиллар олди, – дейди мураббий, подполковник Қосимжон Эргашев. – Унинг қисқа вақт ичида олган назарий билимларини амалиётда қўллаб, ишончимизни оқлашга ҳаракат қилаётгани қувонарлидир. Интилувчанлиги, билмаганларини сўрашдан тортинмаслиги, самимийлиги туфайли жамоада унинг ўз ўрни бор. У, шунингдек, ҳодиса жойидан олинган ашёвий далиллар асосида мустақил экспертиза ва тадқиқотлар ўтказиб, жиноятларнинг очилишига кўмаклашиб келмоқда.

Хизматни энди бошлаган қанчадан-қанча ёшларга мураббийлик қилиб, уларга касб сир-асрорларини сидқидилдан ўргатиб келаётган подполковник Қосимжон Эргашев сингари жонкуяр ва тажрибали ички ишлар органлари ходимларининг кўпчилигини ташкил этиши соҳада устоз-шоғирд аънаналарининг давомийлигидан далолатдир.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.



ДИАЛОГ С НАРОДОМ

Эффективный метод решения проблем

Выездной прием, проведенный заместителем начальника ГУВД г. Ташкента – начальником Следственного управления полковником З. Алимовым в Мирзо-Улугбекском районе столицы, вновь подтвердил, что диалог сотрудников органов внутренних дел с народом является эффективным методом решения проблем на местах.

В мероприятии также принимали участие представители служб ГУВД столицы и УКД ОВД Мирзо-Улугбекского района, работники районного территориального медицинского объединения, коммунальных служб, сходов граждан махаллей.

Прием проходил в административном здании МСГ «Дархон», расположенном на территории 3-го сектора по социально-экономическому развитию. Начался он с вручения двум жителям района паспортов граждан Республики Узбекистан. Все проходило в торжественной обстановке, под аплодисменты присутствующих, с поздравлениями и цветами.



В ходе встречи прозвучали просьбы о помощи в получении гражданства, ордера на льготное медицинское обслуживание, об оказании содействия в трудоустройстве. Некоторые вопросы касались службы пробации. Были обращения бывших сотрудников ОВД по поводу восстановления

на службе. Ряд заявлений был связан с выделением жилья, коммунальным обслуживанием, оказанием практической помощи в организации предпринимательской деятельности.

Так, один из жителей района, Шухрат Х., просил рассмотреть вопрос условно-досрочного освобождения лица,

состоящего на учете пробации. Данное обращение взято на контроль, решено в январе 2021 года внести соответствующее представление в районный суд по уголовным делам.

Камила С. рассказала, что работает секретарем в махаллинском сходе граждан по договору, поэтому трудовой стаж не засчитывается. Девушка просила помочь с оформлением. Просьба была удовлетворена. С января следующего года девушку введут в штат согласно Трудовому кодексу Республики Узбекистан.

Матери Артема М. и гражданке Доно Х., так же обратившимся в ходе приема с заявлениями, выданы ордера на лечение в медицинских учреждениях на льготных условиях. А жителю района Журабеку К., пожелавшему восстановиться на службе в ОВД, порекомендовали обратиться в Управление кадров ГУВД г. Ташкента.

Благодаря участию в приеме представителей профильных ведомств и организаций, часть обращений граждан была решена на месте. По ряду обращений даны указания, отдельные – взяты на контроль руководства ГУВД г. Ташкента.

Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,
корреспондент «На посту».

ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ КОРРУПЦИИ

НАКАЗАНИЕ ДОЛЖНО БЫТЬ НЕОТВРАТИМО

1. В чем суть понятия «коррупция»?
2. Ваше отношение к коррупции?
3. Есть ли у вас предложения по искоренению коррупции?

На эти вопросы отвечает старший следователь УКД ОВД города Самарканда майор А. Ибадова.



1. Коррупция – процесс, при котором должностное лицо, наделенное определенной властью, использует ее для личного обогащения. Коррупционерами могут являться госслужащие, способные тем или иным образом повлиять на разрешение какой-либо ситуации. Это могут быть чиновники всех уровней, представители надзорных и правоохранительных органов, работники медицины и образования. В более широком понимании термин «коррупция» включает в себя взяточничество, вымогательство, мошенничество, злоупотребление властью, растрату и отмывание денег.

2. Мне кажется, что это моральное разложение должностных лиц, выраженное в незаконном обогащении, взяточничестве, хищении.

Несмотря на то, что государства принимают законы, противодействующие коррупции, прилагают усилия к ее искоренению, они так и не могут окончательно избавиться от этого зла.

Почему так получается? Потому что мы, люди, сами должны измениться и осознать неприемлемость этого социального зла для себя, семьи, страны.

Представьте, что ваш родственник заболел, и вы его привезли в больницу. Нужна экстренная помощь, но врач не хочет ее оказывать, пока вы ему не заплатите. Понятно, каковы будут последствия для родственника, семьи. А что произойдет в масштабах страны, если такое будет твориться повсюду? Мы должны понять: какой мир, какое общество построим, в таком мире, в таком обществе будем жить мы и наши дети.

3. Нужно ужесточить меры наказания как для тех, кто берет взятки, так и тех, кто их дает. Отсюда вывод: борьба с коррупцией касается каждого из нас. На мой взгляд, необходимо целенаправленно проводить антикоррупционные мероприятия и показывать обществу, как наказываются чиновники и другие высокопоставленные лица за свои деяния. Демонстрировать по телевидению ролики и сюжеты, наглядно показывающие причиненный вред и меру наказания. Это поможет создать атмосферу общественного неприятия коррупции во всех ее проявлениях.

ОСТОРОЖНО: ПИРОТЕХНИКА!

Игры с огнем

В соответствии с Законом «О внесении дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с упорядочением оборота пиротехнических изделий» введены административная и уголовная ответственность за незаконное производство, изготовление, хранение, перевозку, пересылку, использование, незаконный ввоз, вывоз и сбыт пиротехники. Несмотря на принимаемые профилактические меры, встречаются попытки незаконного ввоза на территорию нашей страны данной продукции.

В ходе профилактических мероприятий в рамках широкомасштабных оперативных профилактических мероприятий сотрудники органов внутренних дел УВД Андижанской области выявляют и

изымают опасный груз у нечистых на руку предпринимателей.

Недавно инспектора профилактики Бустонского района вместе с сотрудниками УБДД УВД Андижанской области на трассе «Андижан-Ташкент» остановили для проверки «Ласетти», за рулем которой находился 21-летний Баходир С. В присутствии понятых был произведен осмотр автомобиля. В багажнике и салоне автомашины обнаружено 67 единиц пиротехнических изделий Shots, 264 – «Золотого песка», 750 коробок с «Корсаром» и штучные фейерверки.

В отношении Баходира С. проводится доследственная проверка.

Соб. корр.

Андижанская область.



ХАВФСИЗ ТУРИЗМ

САЙЁҲЛИК МАНЗИЛИГА

Одамзот ўзини тириклик дунёсининг ажралмас бўлаги, деб билиши сабабми, ҳамиша табиатга интилиб яшайди. Ёхуд атроф-муҳитга азият етказишдан тортинган аждодларни қўмсаш ҳисси ана шу хоҳишни уйғотар. Шаҳарнинг шовқинли, бироз хиралашган ҳавосидан ёки умуман кундалик турмуш ташвишларидан холи бўлиш нияти минг йиллар илгариги ҳуснини йўқотмаган борлиқ сари чорлар инсонни.

Зомин тоғларини макон тутган юз йиллик арчаларни кузатар экансиз, беихтиёр, шу каби ўйлар кечади ҳаёлингиздан. Тош устида ўсгучи бу дарахтлар ўнлаб катта-кичик булоқларнинг онаси ҳисобланади. Мутахассислар таъкидига кўра, бир туп арча томирларининг атрофида 2 тоннагача сув тўпланар экан. Қолаверса, бу дарахтнинг вояга етгани сутка давомида бир қишлоққа етгулик кислород ишлаб чиқаради.

Денгиз сатҳидан 2400 метр баландликда жойлашган 27 минг гектарлик арчазорлар ҳудуд ҳавосини кислород билан муттасил тўйинтиради. Арчалардан ажраладиган эфир эса бронхит астма, томоқ оғриғи ҳамда қатор аллергия касалликларга даво ҳисобланади. Бу ернинг бой ҳайвонот дунёси ҳам арчалар сабаб ўзини эркин ҳис қилади. Шу маънода, Зомин тоғларининг кўрки ва саховати бевосита арчаларга боғлиқ, дейилса, хато бўлмайди.

Мазкур гўшада ёзнинг энг жазирама кунларида ҳам ҳаво ҳарорати 20 даражадан ошмайди, кечаси эса 5–10 даражагача тушади. Аксинча, қишда тоғлар бағри илиқ бўлади. Аммо тунда совуқнинг ҳақиқий нафасини туйишингизга тўғри келади. Шу боис бу манзил қишининг сайёҳлар билан гавжум. Чунончи, 2019 йилда Зоминга 75 мингдан ошди меҳмон ташриф буюрган. Пандемия бўлишига қарамасдан, жо-



рий йилда ҳам 11 мингдан ошди сайёҳ ҳордиқ чиқариш мақсадида келган.

Маълумот ўрнида айтиш керак, Зомин тоғлари этагида 3 та санаторий, 4 та ёзги болалар оромгоҳи, 90 та уй-меҳмонхона, 4 та меҳмонхона, 70 дан ошди дам олиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Ўрни, хизмат кўрсатиш соҳасида яхшигина рақобат юзага келган ва шунга уйғун тарзда сервис сифати ортаётир.

Ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Зомин тоғлари бағрида жойлашган «Дуоба» қишлоқ фуқаролар йиғинига икки нафар профилактика инспектори бириктирилган.

– Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 11 та қишлоқда 5170 киши истиқомат қилади, – дейди профилактика инспектори, капитан Зоҳид Маманазаров. – Ёзги дам олиш мавсумида сайёҳлар ҳисобига ҳудудда яшовчилар сони 30 минггача етади. Бу давр-

да бор куч ва имкониятни ишга солишга тўғри келади. Хусусан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тарғиботни кучайтираемиз, узлуксиз патруллик олиб борилади. Ҳар қандай мурожаат жойига зудлик билан етиб бораемиз. Сайёҳлар беҳавотир жойни маъқул кўришади. Шу боис зиммамиздаги вазифани мукамал бажаришга интилаемиз.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўп жойларида бўлгани каби, Зомин туманида ҳам шаҳарсозлик борасида эътироф этишга аризулик ишлар амалга оширилди. Натижада бугунга келиб, меъмор ва қурувчиларнинг саъй-ҳаракати билан Зомин шаҳарчаси республикамизнинг энг кўркем аҳоли пунктларидан бирига айланди. Муҳташам маъмурий ва маданий иншоотлар, тураржойлар, сўлим

хиёбонлар, кенг кўчалар, равон йўллар ҳар бир юртдошимиз юрагида гуруҳ уйғотиши шубҳасиз.

Бугун сайёҳлар эътиборини нафақат Зоминнинг фусункор табиати, балки қадимий ёдгорликлари ва муқаддас масканлари ҳам тортмоқда. Жумладан, туманда Кўк тўнли ота, Қўрғонтепа, Азлартепа, Бобоёнгоқ каби 17 та тарихий ёдгорлик ва қадамжо бор. Шунингдек, қорахонийлар даврига оид Оқтепа ва Култөпа номи билан аталувчи шаҳар қолдиқлари ҳамда деворларига энг қадимий ёзувлар битилган Пишоғор фори мавжуд. Ушбу манзиллардан топилган 4500 дан ошди тарихий экспонатлар туман марказидаги музейда сақланмоқда.

Зоминга сайёҳларни жалб

қиладиган жиҳатлардан яна бири ўзига хос таомлардир. Бу ерда меҳмонлар сигир, қўй, эчки, от сutiдан тайёрланган қатик, айрон, сузма, курт ва кувида пиширилган сариеғ ҳамда қимиз билан сийланади. Тоғ бағрида ўсган гиёҳлардан озиқланган жониворлардан олинган бу маҳсулотларнинг соғлиқ учун нақадар фойдали экани хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Зоминда бодом атала, лочира, қозон патири, гўжа, қатлама, оқ палов сингари 60 турдан ортиқ емак ва нонлар тайёрланади.

Шунингдек, сайёҳлар уй-меҳмонхоналар ва ўтовларда яшаб, юртдошларимиз ҳаёти, қадрият ва урф-одатларимиз билан танишиш имкониятига эга. Бундай уйларида замонавий меҳмонхоналардан қолишмайдиган шароитлар яратилган. Булардан ташқари, туман хунармандлари томонидан 30 турдан ортиқ тўқувчилик, тикувчилик, дурадгорлик



АЙЛАНАЁТГАН ЗОМИН

Қарорда тумандаги Суффа платосида «Зомин» туристик рекреацион зонасини ташкил этиш масаласи ҳам кўтарилган. Хусусан, ҳудудда 4 ва 5 юлдузли меҳмонхона мажмуалари, замонавий маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва сайёҳлик аҳамиятига эга муҳандислик инфратузилма объектларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Умуман олганда, қарорнинг ҳар бир банди ҳудуднинг туризм салоҳиятини юксалтиришга қаратилган.



жатда туманда санот, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида 98 та, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида 89 та, ижтимоий соҳа объектларини қуриш, таъмирлаш, жиҳозлаш мақсадида 72 та, ирригация ва мелиорация тизимларини яхшилашга қаратилган 12 та, туман марказини шаҳарсозлик талаблари асосида тартибга солиш бўйича 20 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

– Қарордаги 27 та банд жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган «Хавфсиз ҳудуд» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишни назарда тутади, – дейди Зомин тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, майор Шерзод Қосимов. – Жумладан, 2 та Ички ишлар бўлими ҳамда 26 та ички ишлар органлари таянч пункти биноларини қуриш, 11 та таянч пунктини таъмирлаш, барча таянч пунктларида телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида 150 километр масофага оптик толали тармоқ тортиш, 4 та ЙПХ ва ППХ гуруҳларини ташкил қилиш, профилактика инспекторларини замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш режалаштирилган. Шунингдек, бошқармада хизматдаги ходимлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вазият марказини юзага келтириш, Даштобод шаҳарчасида наркология пункти фаолиятини йўлга қўйиш, ташкилот, қорхона ва муассасалар, кўп қаватли уйлар ҳамда жамоат жойларини юздан танувчи кузатув камералари билан жиҳозлаш ва уларнинг интеграциясига эришиш, ақли светфорлар ҳамда ёритиш мосламаларини ўрнатиш каби ишлар амалга

оширилади. Қисқаси, аҳоли билан бирдек сайёҳлар учун жиноятдан холи, хавфсиз муҳитни ҳосил қилиш мақсад қилинган.

Яқин орада Зомин тумани марказида туризм ва сервис касб-ҳунар коллежи фаолият бошлайди. Шу билан бирга, Зомин тоғидаги санаторийни тоғ чанги ҳудуди ҳамда мазкур манзилда бунёдга келтирилаётган шаҳарча билан боғловчи 2640 метрли замонавий дор йўли қурилади. Ушбу шаҳарчада амфитеатр, анжуманлар зали, кинотеатр барпо этилади. 250 километр йўлда таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилади. Бу йўналишда юзага келтирилган инфратузилма эса 1 миллион 300 минг йўловчига хизмат кўрсатиш имконини беради.

Бу каби ўзгаришу қулайликлар хорижлик сайёҳларни ҳам эътиборсиз қолдирмаслиги аниқ. Зеро, яқин келажақда Зоминда халқаро талабларга мос йирик сайёҳлик марказларидан бири пайдо бўлади.


Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» муҳбири.
Жиззах вилояти.
Муаллиф олган суратлар.



ва темирчилик буюмлари ишлаб чиқарилапти. Чопон, дўппи каби кийимлар, кичик гилам, зулбароқ, олача каби тўшамалар, нақшли кути, шахмат каби дурадгорлик буюмлари ва эсдалик совғаларга меҳмонларнинг эҳтиёжи юқори.

Хуллас, тумanning туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш учун бор имкониятлар ишга солиноқда. Жорий йилнинг 9 ноябрида Вазирлар Маҳка-

масининг «2020–2022 йилларда Жиззах вилоятининг Зомин туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳуж-



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ – ШАФФОФЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Жаҳон иқтисодиёти глобал пандемия шароитида тармоқларнинг ўзгариши, бу жараённинг рақамлашуви, мобиллашуви, барча соҳаларга сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ муҳим даврни бошдан кечирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2022 йилга келиб, дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарийб чорак қисми рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолиши прогноз қилинаётган ҳозирги шароитда, бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш энг тўғри стратегик йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши ҳамда шу бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилгани ҳам ахборот технологиялари соҳасига муҳим аҳамият берилаётганини кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлашда энг устувор вазифаларидан бири ижтимоий соҳа объеклари, хусусан, умумтаълим мактабларини 80 фоиз, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини йил охиригача 100 фоиз тезкор интернетга улаш вазифаси қўйилди. Бу, ўз навбатида, ёш авлоднинг замонавий билим олиши, беморларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириши билан аҳамиятлидир.

Шундан келиб чиқиб, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 800 мингта интернет тармоғига кенг полосали улаш портлари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 2,8 миллионга етказилди. Бундан ташқари, 11 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилмоқда.

Маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти вилоят марказлари даражасида 2 баробарга, туман марказлари даражасида эса 4 баробар ошди. Хизмат миқёсини кенгайтириш мақсадида 3 мингтага яқин мобил алоқа база станциялари ўрнатилиб, уларнинг жами сони 29 мингтага етказилди ва аҳоли масканларида унинг қамрови 97 фоизга ҳамда юқори тезликдаги йўналиши 84 фоизга етказилди. Аҳолининг кенг полосали мобил хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «Ўзмобиайл» фи-

лиали томонидан мавжуд 3000 дан ортиқ база станциялари модернизация қилинди.

Жиззах эркин иқтисодий зонасида Жанубий корейлик ҳамкорлар билан бирга 11 миллион долларга тенг, йиллик қуввати 50 минг километр оптик толали кабел маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди.



Бугунги кунга қадар телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ишлари асосида мавжуд 19399 та ижтимоий соҳа объектдан ҳозирги кунга қадар 68 фоизи, жумладан, 10150 халқ таълими объектдан 6503 тасида (64 фоиз), 5725 та мактабгача таълим муассасасидан 4098 тасида (72 фоиз) ва 3524 та соғлиқни сақлаш объектдан 2587 тасида (73 фоиз) оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу кунга қадар асосан телефон хизматларини кўрсатувчи 2G мобил тармоқларни кенгайтириш вазифаси бажарилган бўлса, ҳозир тармоқнинг қамровини ошириш бўйича лойиҳалар 3G/4G тармоқларини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида 3012 та 2G база станциялар 3G/4G стандартига модернизация қилинди ва 2933 га яқин янги база станцияси ўрнатилиб ишга туширилди. Қолаверса, телекоммуникация хизматлари учун тариф нархлари арзонлашмоқда. 2019 йил давомида провайдер ва операторларга ташқи каналга улаш тарифлари нархи 1 мбит/с учун 17 фоизга, 2020 йилнинг 1 январидан оператор ва провайдерларга интернет хизматлари учун тариф ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34 фоизга арзонлаштирилди.

Мамлакатимизда АКТ соҳасидаги энг илғор технологик ишланмаларни жорий этишга муҳим эътибор қаратилмоқда. 2019 йил сентябрдан

иккита маҳаллий мобил оператор — «UzMobile» ва «Ucell» 5G технологиясини тест синовидан ўтказишни бошлагани ва бугунги кунда Тошкент шаҳрида 15 та база станцияси тест тартибда ишлаб тургани шундан далolat беради.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа

орқали амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни тақдир этиши рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ана шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (<https://my.gov.uz>) жорий этилган. Бугунги кунда ушбу портал орқали 230 тадан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Улар бўйича йил бошидан бери 2,5 миллионга яқин аризалар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фоизга ошди. Жумладан, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, иш стажини тасдиқлаш ҳақида архив маълумотномаси олиш хизматлари жорий қилиниши ҳамда архитектура-режалаштириш топширигини олиш, кадастр паспортини рўйхатдан ўтказиш, ипотека кредитлари бўйича давлат субсидиясини олиш хизматларининг тақомиллаштирилиши режалаштирилган.

Ахборот-коммуникация технологияларининг изчил ривожланишининг муҳим омилларидан яна бири соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир.

Электрон ҳужжат айланиши ўзида электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали хўнатиш ва олиш жараёнининг муҳим мажмуасини акс эттиради. Электрон ҳужжат айланишидан келишувларни (шу жумладан, шартномалар тузишни), ҳисоб-китобларни амалга ошириш, расмий ва норасмий ёзишмаларни ва бошқа ахборотларни узатишни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, электрон ҳужжат айланиши давлат бюджети сарфини иқтисод қилишга ва вақтни тежашга хизмат қилади. Дания электрон ҳужжат айланиши бўйича бой тажрибага эга давлат ҳисобланади. Бу мамлакатда электрон ҳужжат айланиши натижасида йилга 100 миллион евро маблағ иқтисод қилинмоқда.

O'zbekiston Respublikasi elektron hukumati

EGOV

Шерзод АХМАТОВ,
Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларни
ривожлантириш вазирлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Бугун Жанубий Корея, Чили, Мексика, Бразилия каби давлатлар ҳам электрон ҳужжат тизимига ўтган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳужжатлар электрон айланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса тадбиркорларга бир қатор қўлайликлар яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, my.gov.uz – ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мақсади фуқаролар ва тадбиркорларга интерактив давлат хизматларини кўрсатишдир. Ягона портал орқали 120 дан ортиқ давлат органларига бевосита электрон тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилган. Электрон ҳужжат айланишидан тадбиркорлик субъектлари бир қатор ҳисобот ва ҳужжатларни топширишда фойдаланиб келмоқда.

Божхона соҳасида 20 га яқин хизматлар, товарларни электрон шаклда декларациялаш тартибини, банк соҳасида эса «интернет банкинг», кредит олишга онлайн аризалар бериш, давлат хизматлари соҳасида электрон ариза ёки сўровномалар беришни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Электрон шаклда ҳужжатлар айланиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қандай таъсир кўрсатади? Аввало, кўп вақт сарфланшининг олдини олади. Тадбиркорлик субъекти томонидан давлат ташкилотларига ёки бошқа муассасаларга бориб қоғоз шаклда ҳужжатларни топшириш, навбатда туриш, расмийлаштириш билан боғлиқ ҳолатларга ортиқча вақт сарфланмайди.

Ўз ўрнида давлат хизматчиси ҳам мазкур мурожаат ёки ҳужжатларни қидириб топишга вақт кетказмайди. Маблағлар сарф-харажатларини камайтиради. Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ҳужжатларни қоғоз кўринишида давлат ташкилотлари ёки бошқа муассасаларга олиб бориб бериши, почта харажатлари, ҳужжатларни чоп этиш ёки ундан нусхалар олиш, архивлар ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, давлат органлари фаолиятида шаффофлик таъминланиши ва ҳужжатлар айланишини назорат қилишни осонлаштиради ҳамда ҳужжатлар ва ахборотлар хавфсизлигини таъминлайди. Яъни, статистика бўйича қоғоз кўринишидаги ҳар ўн бешинчи ҳужжат йўқолишини инobatта оладиган бўлсак, электрон тартибда ҳужжатлар айланишида бу ҳол кузатилмайди. Шунингдек, ташкилотларда ходимлар ижро интизомини мустаҳкамлайди. Тадбиркорлик субъектларига масофадан турган ҳолда бошқа ҳамкорлари билан электрон тартибда шартнома тузиш имкониятларини яратиб беради. Демак, айтиш мумкинки, электрон ҳужжат айланиши жисмоний ва юридик шахсларга ҳар томонлама қўлайликлар яратиб, тадбиркорлик субъектларининг бизнес фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Тадбиркорлик субъектларининг вақтини ва харажатларини тежашда қўл келади.



ГРАНИ МАСТЕРСТВА

Когда на службе ценят...

По мнению руководства бригады ППС ГУВД г. Ташкента, сотрудника пятого батальона Сергея Ибрагимова отличают высокий уровень профессионализма, целеустремленность, чувство ответственности за порученное дело, твердость характера.

Служить в патрульно-постовой службе нелегко, потому что силу специфики деятельности практически постоянно находясь в движении, необходимо быть бдительным и принимать быстрые и правильные решения. Оттого патрульно-постовая служба была и есть одним из самых сложных звеньев системы, и в ней остаются лишь те, кто способен выдерживать как физические, так и эмоциональные нагрузки.

Отслужив срочную армейскую службу, Сергей Ибрагимов, основательно прикипевший к строгой воинской дисциплине, решил связать свою жизнь с органами внутренних дел. Выпавший шанс он не упустил и вскоре начал служить в подразделении ППС. Вот уже одиннадцатый год герой нашего повествования стоит на страже порядка и законности. Сколько километров прошел в пешем патруле



за эти годы, наверное, он и сам не возьмется подсчитать. Сколько было сложных неординарных ситуаций, требовавших проявления силы воли и физических навыков, в то же время следовало оставаться вежливым, тактичным, ставя законность выше эмоций...

— К сложностям привыкаешь со временем, — рассказывает рядовой С. Ибрагимов. — За смену обходим вверенную территорию, общаемся с гражданами, пресекаем попытки противоправных действий, оказываем помощь тем, кто в ней нуждается. Часто гости из областей республики,

прибывшие в столицу, обращаются по тем или иным вопросам, и на душе становится теплее от того, что сумел чем-то помочь человеку, оказал содействие. Сейчас, в условиях коронавирусной пандемии, на сотрудников патрульно-постовой службы приходится немалая доля ответственности за контроль над соблюдением установленных правил. Кому, как не нам, находящимся в постоянном контакте с населением, в первую очередь осуществлять эти функции. Поэтому прилагаем все усилия для того, чтобы препятствовать распространению вируса и улучшать эпидемиологическую обстановку.

... После дежурства Сергей Ибрагимов возвращается в семью — к супруге, Анне, и малолетнему сынишке, Руслану. Для человека, стоящего на страже закона день и ночь, в холод, дождь и зной, подчас рискующего жизнью и здоровьем, отдающего всего себя делу обеспечения мира и спокойствия, очень важно ощущать, что тебя дома ждут и любят.

Говорят, что счастливый человек тот, кто утром хочет идти на работу, а вечером спешит домой. Пожелаем Сергею Ибрагимову, чтобы всегда в его доме горел огонек любви и заботы, и на службе все было хорошо.

Георгий ПЕТРОСЯН,
корреспондент «На посту».

Главное качество — профессионализм

Специалисты экспертно-криминалистического отдела УВД Андижанской области проводят традиционные виды экспертиз: дактилоскопическую, баллистическую, портретную, почерковедческую, трасологическую.

Сегодня наш рассказ о сравнительно новом виде экспертизы — судебно-автотехнической.

Дорожно-транспортные происшествия редко обходятся без серьезных последствий, и, в зависимости от их вида и тяжести, встает вопрос о привлечении виновного лица к гражданской, административной или уголовной ответственности. В рамках расследований и судебных разбирательств по делам о ДТП назначаются разные исследования, одна из ключевых и, можно сказать, обязательных — автотехническая экспертиза. Ее суть состоит в исследовании обстоятельств совершенных ДТП, следов, оставленных на автомобилях и месте происшествия, изучении технического состояния деталей и узлов, маркировочных обозначений транспортных средств.

Наш собеседник — старший лейтенант Ойбек Гофуров — выпускник Ташкентского автомобильно-дорожного института. После окончания

учебного заведения был принят рядовым сотрудником в Управление охраны при УВД Андижанской области. В 2017 году был направлен на трехмесячные курсы в экспертно-криминалистический центр МВД Республики Узбекистан. После окончания курсов его назначили экспертом-криминалистом группы судебно-автотехнической экспертизы ЭКО УВД Андижанской области.

— На днях в Булакбашинском районе было совершено ДТП. Виновник аварии скрылся с места происшествия, — рассказывает старший лейтенант Ойбек Гофуров. — Пострадавший доставлен в ближайшую больницу. 25-летний парень рассказал, что ехал на велосипеде на работу. Его ослепила фарами двигавшаяся по встречке легковая машина. Затем — удар! Очнулся на больничной койке. Ни марки автомобиля, ни цвета, ни государственных номеров парень не видел.

На месте ДТП удалось обнаружить пластмассовые

осколки левого «поворотника» машины, а на велосипеде — краску серого цвета. Вывод был следующим: наезд совершил водитель «Нексии» серого цвета.

Сотрудники УБДД проверили все автомобили, подпадающие под эту категорию. Через четыре часа поступило сообщение, что во дворе дома, принадлежащего Ботиру А., стоит «Нексия» серого цвета. Правда, «поворотник» был на месте, но на левой части буфера имелись характерные царапины.

Взяв пробы краски с авто Ботира А. и сравнив их с частями, оставшимися на велосипеде, сделал вывод — они идентичны. Что касается левого «поворотника», как оказалось, владелец «Нексии» после наезда на велосипедиста сразу же его заменил, чтобы скрыть следы преступления.

Под тяжестью неопровержимых улик Ботир А. сознался, что не заметил велосипедиста, совершил наезд, а потом испугался и скрылся. В



отношении него возбуждено уголовное дело, ведется расследование.

— Дорожно-транспортному происшествию предшествуют разнообразные факторы, — говорит старший лейтенант О. Гофуров. — Для установления всех обстоятельств, крайне важно выявить их, определить степень влияния каждого на возникновение и развитие происшествия, соотносить с действиями участников аварии. Это дает ясную, объективную, реальную картину произошедшего. Несмотря на то, что в современных условиях большое значение

имеют средства видеofиксации, они не в силах помочь установить абсолютно все причины, механизм и последствия ДТП. Автотехническая экспертиза — это всестороннее исследование обстоятельств дорожной аварии, которое позволяет установить истину.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент
«На посту».

На снимке: эксперт-криминалист группы судебно-автотехнической экспертизы ЭКО УВД Андижанской области старший лейтенант О. Гофуров.

Фото автора.
Андижанская область.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

Электронное правительство – путь гласности и прогресса

«В целях устойчивого развития мы должны глубоко освоить цифровые знания и информационные технологии, это даст нам возможность идти по самому короткому пути к достижению всестороннего прогресса. В современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах».

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Нынешний год по инициативе главы государства был объявлен Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. В январском Послании Президента Олий Мажлису активный переход к цифровой экономике был определен в качестве одного из главных приоритетов на ближайшие пять лет. С учетом этого 28 апреля текущего года было принято постановление Президента «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».

Электронное правительство – новая форма организации деятельности органов государственной власти, обеспечивающая качественно иной уровень оперативности и удобства получения организациями и гражданами государственных услуг и информации о результатах работы госорганов за счет широкого применения информационно-коммуникационных технологий. Оно способствует оптимизации и упрощению оказания услуг населению и бизнесу, повышает уровень технологической грамотности граждан, увеличивает их активность в процессах управления страной, сокращает расход времени и сил на решение тех или иных организационно-технических вопросов.

Основными позициями деятельности электронного правительства являются отношения между: государством и гражданами; государством и бизнесом; различными ветвями государственной власти; государством и госслужащими.

Сегодня в Узбекистане реализуются масштабные реформы, направленные на достижение достойного уровня благосостояния народа, обеспечение прав и свобод человека, устойчивого экономического развития страны. Огромное значение в решении поставленных задач имеет перевод жизнедеятельности общества на инновационные «рельсы», основой которых является цифровизация всех сфер жизни.

В этом направлении предприняты существенные шаги. Активно работают Виртуальная приемная Президента страны, порталы государственных услуг и обсуждения нормативно-правовых актов, обеспечивающие эффективность взаимодействия государства и граждан.

Запущена Единая электронная система разработки и согласования проектов нормативно-правовых актов – project.gov.uz. На сегодняшний день к ней подключены 214 органов государственной власти, государственного и хозяйственного управления, в том числе 25 компаний и 18 коммерческих банков. В целях поддержки бизнеса эффективно функционирует Виртуальная приемная Премьер-министра, рассматривающая обращения предпринимателей, – business.gov.uz. В целях совершенствования оказания госуслуг осуществлен запуск обновленной версии Единого портала интерактивных государственных



услуг (ЕПИГУ) – my.gov.uz. Для дальнейшего повышения открытости деятельности государственных органов проведена работа по совершенствованию Портала открытых данных – data.gov.uz.

Цифровизация охватывает и сферу органов внутренних дел. Использование информационно-коммуникационных технологий служит обеспечению прозрачности деятельности ОВД, намного упрощает получение гражданами необходимых услуг и документов.

К примеру, на портале my.gov.uz имеются такие услуги, как регистрация по месту постоянного проживания граждан, получение справок о постоянной регистрации граждан в городе Ташкенте и Ташкентской области, количестве зарегистрированных лиц по постоянному месту жительства, о несудимости и др.

16 сентября 2020 г. Кабинет Министров принял постановление о дополнительных мерах по применению современных ИКТ при рассмотрении вопросов гражданства Узбекистана. Согласно документу, МВД, МИД, Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций, Министерство юстиции и СГБ модернизировали автоматизированную информационную систему «Паспорт-виза» и создали межведомственную базу данных по

гражданству Узбекистана E-Fuqaro. На ее основе автоматизируются процедуры приема и рассмотрения заявлений по вопросам гражданства, сформирована единая база данных о натурализации, восстановлении гражданства и его утрате. Заявления о приеме в гражданство Узбекистана, выходе из него будут приниматься в режиме реального времени через E-Fuqaro.

С точки зрения новой формы организации деятельности органов государственного управления, какой является электронное правительство, можно рассматривать и работу Информационно-аналитических центров, функционирующих в структуре МВД, основная задача которых – сбор и анализ информации, формирование соответствующих баз данных.

Все инновации, внедряемые в деятельность органов внутренних дел, направлены, в первую очередь, на внедрение современных методов управления, повышение эффективности службы, работы, проводимой по направлению профилактики правонарушений, укрепление правопорядка, что в конечном итоге способствует сохранению мира и спокойствия в обществе.

В настоящее время, на фоне вспышки пандемии COVID-19, сама жизнь подтвердила актуальность темы «электронное правительство», поднятой главой нашего государства еще в начале года. Мы видим, как мир меняется кардинальным образом. В условиях соблюдения социальной дистанции и карантинных мер, цифровые технологии стали жизненно важными для решения многих проблем населения. Граждане информированы о деятельности государственных структур и ведомств. Они имеют возможность оперативно получать необходимые услуги. Все это свидетельствует о том, что электронное правительство действительно является путем гласности и прогресса, который приведет общество к процветанию.

Омон МУХАМЕДЖАНОВ,
профессор.

ЮРТИМИЗ «ДАРВОЗА»ЛАРИДА

ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ – УСТУВОР МАСАЛА



ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Тошкент минтақаси темирйўл транспортарида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси хизмат ҳудудидаги темирйўлларнинг узунлиги 372 километрни ташкил этади. Шунингдек, 5 та вокзал, 34 та бекат ва 26 та тўхташ пунктида хавфсизликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳам бошқарма ходимлари зиммасида.

Жорий йилнинг шу даврига ҳавфсизликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жойларда 800дан ортиқ профилактик тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар давомида аниқланган камчиликлар ҳамда содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларга, тегишли ташкилотларга 254 марта тақдимнома ва мурожаатлар киритилди. Темирйўллар яқинида истикомат қилувчи фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилиб, хонадон эгаларидан тилхатлар олинди.

– Ўтган давр мобайнида йўловчи поездларининг ойнасини синдириш, темирйўл изларига бегона жисмлар қўйиш билан боғлиқ 17 та ҳолат қайд этилди, – дейди бошқарма бошлиғи, подполковник Хайрулла Маҳмудов. – Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий ички ишлар органлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 4800дан ортиқ рейдлар ўтказилди.

Таъкидлаш керакки, рейдлар давомида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни содир этгани аниқланган 3477 нафар шахсга нисбатан

маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Масалан, жорий йилнинг 5 ноябрь куни «Тошкент – Андижон» йўналишидаги йўловчи поезди «Оҳангарон» ва «Ақча» бекатлари оралиғида ҳаракатланиб кетаётган пайтида Оҳангарон шаҳрида яшовчи Б.О. вагонга қарата тош отади. Бунинг натижасида поезднинг 7-вагонидидаги ойналардан бири дарз кетади. Бу қилмиши учун унга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Темирйўл иншоотларида ноҳуш ҳодисалар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, йўловчи ва юк поездларининг хавфсиз ҳаракатлишини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, юқоридаги

ҳолатларнинг рўй бераётгани ачинарли ҳол, албатта.

Бошқарма ходимлари ўтказилаётган махсус профилактик тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. Хусусан, яқунланаётган йилда ана шундай тадбирларга жалб этилган соҳавий хизмат ходимлари ва жамоатчилик вакиллари томонидан 790га яқин турли объектлар текширилди. Натижада ҳуқуқбузарлик содир этгани ёки шубҳа остига олингани учун 1600 нафардан зиёд шахслар жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимига олиб келиниб, тегишли профилактик чоралар кўрилди.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.



ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ОМИЛИ

Сўнгги йилларда юртимизнинг туризм салоҳияти юксалиб, сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда. Албатта, сайёҳлар тинч ва хавфсиз юртга ташриф буюради. Уларнинг аксарияти «ҳаво дарвозаси», яъни аэропортлар орқали кириб келишади. Аэропортларда хавфсизликни таъминлаш эса энг муҳим вазифалардан биридир.

ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Фарғона халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальони ҳарбий хизматчилари ҳам ана шундай вазифани бекаму кўст бажариб келишмоқда.

Батальонда ёш ҳарбий хизматчиларни тарбиялашда «Устоз-шоғирд» аънаси яхши йўлга қўйилган. Шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини яхшилаш, уларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган маърифий тадбирлар, ўқув-амалий ва дала машғулоти мунтазам ўтказилмоқда.

Шунингдек, хизматчилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўқув марказларида ўтказилаётган тайёрлов курсларига ҳам жалб этилиб, билим савияси муттасил ошириб борилмоқда.

– Тактик ўқув машғулоти шахсий таркибнинг жанговар шайлигини янада оширишга хизмат қилаётир, – дейди батальоннинг махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи командири, катта лейтенант Фарҳод Давро-



нов. – Бундан ташқари, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини

кенг тарғиб қилиш мақсадида турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Батальон ҳудудида футбол, волейбол

майдончалари ва қишки спорт зали мавжуд бўлиб, энг зарур анжомлар билан жиҳозланган. Яратилган имконият ва шароитлардан самарали фойдаланиб, ўз устида мунтазам ишлаётган ҳарбийлар орасида кўплаб нуфузли мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари ҳам бор.

Қуролланган шартли жиноятчиларни ушлаш ва зарарсизлантириш, қўриқланётган объектга жиноий гуруҳлар киришининг олдини олиш ҳамда улар томонидан тартибузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида амалий ва тактик ўқув машғулоти ўтказилди. Машғулот мобайнида ҳарбий қурол ва замонавий алоқа воситаларидан ҳам самарали фойдаланилди.

Батальонда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги билан бирга, маънавий-сиёсий билимини бойитиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда шинам кутубхона ташкил этилган бўлиб, унда уч мингдан зиёд илмий ва бадиий адабиётлар жамланган. Ҳарбий хизматчилар кутубхона фондидан ўрин олган ҳарбий соҳага оид ва ҳуқуқий йўналишдаги нашрларни мутолаа қилиши мумкин.

Алишер НИШОНОВ,
сержант.
Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий ва ҳуқуқий малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ИИБ Малака ошириш институтининг Қорақалпоқ академик лицейидаги филиали муваффақиятли фаолият олиб бораётган таълим масканларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, подполковник Сапарбай Алламбергенов раҳбарлик қилаётган ушбу таълим муассасасида 2019 йилда 1188 нафар, 2020 йилнинг ўтган даврида 690 нафар ходимини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув йиғинлари белгиланган тартибда ўтказилди.

УЛКАН
МАҚСАДЛАР
САРИ

1984 йили Хўжайли туманида туғилган лавҳамиз қаҳрамони мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ҳуқуқшуносликка бўлган алоҳида қизиқиши туфайли бир неча марта туман миқёсидаги фан олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. Ана шундай қизиқиш уни 2001 йилда Тошкент давлат юридик институтига ҳужжатларини топширишга ундади. Имтиҳонлар якунига кўра, шартнома асосида ўқишга кирган Сапарбай ҳужжатларини қайтиб олиб, келгуси йили ИИБ Академиясига ўқишга кириш учун астойдил ҳаракат қилди. Бундай интилиш эса ўз самарасини берди. 2006 йили Академияни муваффақиятли тамомлаб, дастлаб Қонлиқўл тумани, сўнгра Хўжайли тумани ИИБларида жиноят-қидирув соҳаси бўйича тезкор вакил сифатида хизмат фаолиятини олиб борди.

Узоқ йиллар давомида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, одамлар психологиясини яхши ўрганган отаси Даулетбай оғанинг «Ўғлим, сенинг илмий йўналишга иқтидоринг кўпроқ, иложи бўлса шуни давом эттир» деган насиҳатларига амал қилган Сапарбай 2007 йили ИИБ Академияси илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими адъюнктура-сига ҳужжатларини топшира-

ди. Бир неча йиллар давомида Академияда ўқитувчилик қилиб, 2019 йили докторлик диссертациясини (PHD) муваффақиятли ҳимоя қилишга эришди.

Филиалда ўқув жараёнини ташкил этиш учун 80 кишига мўлжалланган видеоконференция зали, 20 кишига мўлжалланган ўқув хонаси мавжуд.

Илгари Малака ошириш институти томонидан унинг ҳудудлардаги филиалларида режа асосида сайёр ўқувлар ташкил этилиб, ходимлар хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда касбий билим, кўникма ва маҳоратларини юксалтириб борарди.

– Ҳозирги пандемия шароити малака оширишни масофадан олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу боисдан онлайн (масофавий) ва оффлайн шаклда ўқитиш амалга оширилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда подполковник С. Алламбергенов. – Унга кўра, тингловчилар ўзига берилган логин ва пароль ёрдамида институтнинг расмий веб-сайти орқали шахсий хонасида ҳамда тизимдаги электрон ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Бунда умумий ўқув жараёни 4 та модуль асосида бир ой мuddатга мўлжалланиб, тингловчилар реал вақт режимида масофавий таълим тизимидаги



(Архив сурати).

тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштиришяпти. Бу, ўз навбатида, соҳавий хизмат ходимларининг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Сапарбай Алламбергенов нафақат филиал фаолияти, балки лицей ўқув жараёнини тўғри ташкил этишга ҳам ҳиссасини қўшиб келмоқда. Унинг ИИБ Академиясида ортттирган педагогик тажрибасига таянган ҳолда лицейнинг ахборот-ресурс маркази ва кафедралар базасида фанлар бўйича юри-тиладиган янги ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик қуроли жорий этилди. Шунингдек, лицей ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш бўйича ҳамда ўқитувчиларнинг билим даражасини аниқлаш бўйича мониторинг ишлаб чиқишда ҳам унинг ҳиссаси катта.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«Postda» мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.

ШАТДАУН НИМА?

Шатдаун (инглиз тилида shutdown) бирор-бир тизим ёки механизмнинг хатolik ёки молияланмаслик оқибатида вақтинчалик ишламай қолиши, деган маънони англатади.

Илк шатдаун 1977 йилда АКШ президенти Жеральд Форд даврида содир бўлган. Ушанда Форднинг Меҳнат вазирлиги, соғлиқни сақлаш, таълим тизимида 56 миллиард доллар маблағни ўтказиш борасидаги талабга вето қўйиши натижасида юз берган шатдаун 10 кун давом этган.

ЯНГИ
ИБОРАЛАР

ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

Хизматингга
шайдир ҳар
ўғил-қизинг

Юртимиз тинчлиги ва осойишта-лигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш ички ишлар органлари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Бугунги кунда бу залворли вазифани юракдан ҳис этиб, мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган осойишталик посбонлари эришаётган ютуқлар қувонарлидир.

Ички ишлар органлари ходимлари орасида ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга, қўлга қалам олиб, ижодга, шеърятга ошно тутинган ходимларнинг борлиги эса нур устига аъло нурдир. Чунки улар сўз мулкига ошнолик асносида ўз маънавиятини бойитади, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб, уларни ҳам сўзининг сеҳрли олами, китоб дунёси сари етаклайди.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, капитан Сирожиддин Эшпўлатов ана шундай истеъодли ходимлардан биридир.

2016 йилда ИИБ Академиясини тамомлаган Сирожиддин ёшлигидан адабиётга меҳр қўйди. Халқимизнинг улуг шоирлари, ёзувчилари ижодидан баҳраманд бўлиб вояга етди. Тарихий, ватанпарварлик мавзусидаги асарларни яхши кўришини унинг шеърларидан ҳам билса бўлади.

Куйида унинг ижодидан намуна келтира-миз.

ВАТАН МУҚАДДАСДИР,
ВАТАН АБАДИЙ

*Тупроғинг... таралар ажиб бир ифтор,
Қишда ҳам кўкламни ҳис этгум такрор.
Ишончингни оқлаш, шараф, ифтихор,
Ватан муқаддасдир, Ватан абадий.*

*Бобо тарих. Унда шонли излар бор,
Гоҳо Муқаннисан, гоҳо сарбадор.
Ёвқур Жалолддин улғайган диёр,
Ватан муқаддасдир, Ватан абадий.*

*Жанглarda жасорат бўлиб улғувор,
Темур душманларин этганди тор-мор.
Боболардан мерос, бизга номус-ор,
Ватан муқаддасдир, Ватан абадий.*

*Асрларга туташ кўҳна илдизинг,
Мудом порлаб турсин кўкда юлдузинг.
Хизматингга шайдир ҳар ўғил-қизинг,
Ватан муқаддасдир, Ватан абадий!*

БЕЗОПАСНАЯ ТЕРРИТОРИЯ



**СПЕЦИАЛЬНЫЕ
ПРЕДНОВОГОДНИЕ
МЕРОПРИЯТИЯ**

В рамках мероприятий «Безопасная территория» в предновогодние дни сотрудниками ГУВД г. Ташкента совместно с другими правоохранительными органами и представителями заинтересованных организаций и ведомств проводятся специальные мероприятия по обеспечению общественного порядка и безопасности граждан.

В бригаде ППС состоялся очередной вечерний развод и инструктаж по обеспечению общественного порядка и безопасности граждан в ночное время.

Сотрудников, задействованных в ночном патрулировании, призвали к ответственному выполнению задач по профилактике правонарушений и пресечению преступлений, оперативному реагированию на любое изменение криминогенной обстановки. В частности, были даны указания по предупреждению ДТП и выявлению лиц, севших за руль в состоянии алкогольного опьянения; принятию законных мер в отношении лиц, имеющих при себе колюще-режущие предметы;

пресечению реализации несертифицированной пиротехники; изучению каждого сообщения, поступившего в дежурную часть, и принятию соответствующих мер. Кроме этого, была подчеркнута необходимость проверки объектов, деятельность которых приостановлена решением Специальной республиканской комиссии по борьбе с коронавирусом.

...В 21.43 вечера, при проверке так называемого спа-салона, расположен-

ного в Чиланзарском районе, было установлено, что ни одна из работниц салона не имеет документы, подтверждающие ее профессиональную пригодность в качестве массажистки.

Почти в 12-м часу ночи в клубе Spa-night, в Юнусабадском районе, девушки «развлекали» гостей эротическими танцами. Управляющий клубом не смог предоставить документы, разрешающие деятельность заведения.

Аналогичные правонарушения были выявлены и в клубе, находящемся в Яшнабадском районе столицы.

С владельцами и управляющими спа-салона и увеселительных заведений была проведена профилактическая работа, по выявленным фактам составлены протоколы по ст. 54 («Нарушение правил борьбы с эпидемиями») Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.


До Нового года осталось совсем немного времени. Чтобы эти дни не были омрачены, каждый из нас должен осознать: мир, спокойствие и правопорядок зависят от нас.

Азиза АЛИБАЕВА.

ДОРОГА В ПРОФЕССИЮ

ДОСТОЙНО ПРОДОЛЖАЯ ДЕЛО ОТЦА

... В тот роковой день, 15 ноября 1999 года, он, как всегда тепло и нежно, попрощался с супругой, поцеловал сладко спавшую малышку Ренату и ушел, чтобы защитить покой и мирную жизнь... Ради нас, ныне живущих, капитан Равиль Васильев погиб в бою с террористами, не отступив, не дрогнув. Он шагнул в бессмертие.



Столько лет прошло с тех пор – словно целая жизнь пронеслась, но память о славном герое жива. Дочь повзрослела и продолжила дело отца. Ныне старший лейтенант Рената Васильева является инспектором группы профилактики правонарушений Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента, и ей, конечно же, есть на кого равняться. Жизненный путь отца стал для нее яркой звездой, освещающей дорогу в профессию, пусть и не легкую, но почетную и нужную людям.

Окончив академический лицей в г. Чирчике по направлению «зарубежная филология», девушка приняла решение встать в строй органов внутренних дел. В 2014 году она поступила в Академию МВД Республики Узбекистан, выбрав следственное звено. После заверше-

ния обучения ей довелось недолго работать в должности следователя. В новом подразделении – по обеспечению безопасного туризма – требовались молодые, коммуникабельные и свободно владеющие иностранными языками сотрудники. Ренату пригласили в Управление по обеспечению безопасного туризма ГУВД Ташкентской области.

– В условиях многополярного мира ни одно государство не может существовать, замыкаясь лишь на своей внутренней политике и жизни, – говорит Р. Васильева, – и потому международные связи и сотрудничество с каждым годом расширяются. С развитием в нашей стране как международного, так и внутреннего туризма появилась необходимость в создании благоприятных условий и удобной инфраструктуры для гостей страны, а главное – в профессиональном и надежном обеспечении их безопасности. И хотя в условиях пандемии туристический поток из стран ближнего и дальнего зарубежья практически прекратился, жители республики все так же про-

должают посещать достопримечательности, исторические памятники и курортные зоны. Да и COVID-19 тоже не вечен. Уверена, что в скором времени эпидемиологическая обстановка нормализуется и все встанет на свои места.

Сегодня Рената Васильева служит в столичном подразделении. Работы, как говорится, хватает – гости в предновогодние дни прибывают в прекрасный и вечно молодой Ташкент, словно сказочный бриллиант, сверкающий праздничными разноцветными огнями. Каждому необходимы индивидуальный подход, тактичное и вежливое отношение.

Сотрудники Управления по обеспечению безопасного туризма ГУВД г. Ташкента готовы прийти на помощь в любой момент. Они – лицо нашей многонациональной столицы, отдающие службе опыт, знания и умения.

Героиня нашего повествования работает с полной самоотдачей – только так может служить дочь героя, хранящая память об отце.

Георгий АНДРЕЕВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

«ҚУЛОҒИНГНИ ЁП, ҲОЗИР ПАҚИЛЛАЙДИ»

Кетма-кет пақ-пукдан чўчиб, беихтиёр овоз келган томонга қарадим. Автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси олдида ёши 35–40 лардаги эркак киши рулда ўтирган жойида «пақилдоқ»ни ёқиб, яқин атрофга бирин-кетин улоқтирарди. Шохобчадан қўллари мой бир йигит чиқиб, «Фалончи ака, бўлди қилинг энди», дея танбеҳ бериб, ортига қайтди. «Пақилдоқ»дан завқ олаётган «қахрамон» шундан сўнг ҳам бирваракайига 5–6 тасини улоқтирди-ёв, устахона яқинида пақ-пук овозига қоришиқ тутун кўтарилди. Кимларнингдир машинаси чиқиб, сигналзацияси ҳам ишлаб кетди. Очиғи, кап-катта эркакнинг кеч тушиб, кўпчилик уйга, оиласи бағрига шошилган вақтдаги бу қилиғидан қулиш керакми, ё куйиш, билмадим...



Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

Янги йил байрами яқинлашгани сайин «пақилдоқ»ларнинг қулоқни қоматга келтирадиган «акс-садоси» анча кўпайиб қолади. Кўча-қўйда, маҳаллада «Қулоғингни ёп, ҳозир пақиллайди», дея бир-бирини «огоҳлантирган» ўсмирлар, ёш болаларга куннинг деярли ҳар қандай вақтида дуч келишимиз ҳам бор гап. Кундуз кунни бўлса, ҳа майли, «болалик шўлиги», дея индамай қўя қоламиз. Аммо кечки пайт «пақилдоқ»лар овозидан ёш болалар тугул, ҳатто катталар ҳам чўчиб тушишига нима дейсиз? Ярим тунда пақиллаган «пақилдоқ»нинг шовқинидан асабим бузилмайди, дея оласизми? Ёки бўлмаса, бундай «завқ» ортидан бирор кўнгилсизлик содир бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Бу саволларга жавоб бериш кейинги саволни келтириб чиқариб, муаммоли вазиятни ўрганиш орқали бир хулосага келишга ундайди.

Йилнинг шу даврида кўпинча пиротехника воситаларининг ноқонуний савдоси билан шуғулланувчи, «ётиб қолгунча отиб қол» қабилда иш тутувчи «тадбиркор»лар пайдо бўлади. Улар юқори хавфга эга бўлган бу воситалар биринчи навбатда болалар ва ўсмирлар учун жиддий таҳдид туғдиришини билмайди, деб ўйлайсизми? Аксинча, бундайлар била туриб, ўз моддий манфаатини бошқаларнинг соғлиғи, ҳатто ҳаётидан устун қўйиб, шу ишга қўл уришади. Мисол учун, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани худудида ўтказилган тезкор тадбирда «Бек тўпи» савдо мажмуаси яқинида фуқаро О.Р. хорижда ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган пиротехника буюмларини яширинча сотаётган вақтида қўлга олинди. Унинг бошқарувидаги автомашина кўздан кечирилганида, 289 450

дона, умумий қиймати 120 миллион сўмлик пиротехника воситалари борлиги аниқланди.

Хўш, айтинг-чи, қўзи билан кўриб, қўли билан тутиб тургани ўзининг, атрофдагиларнинг, айниқса, болаларнинг саломатлигига қанчалар хавфли эканлигини англаб, айнан шу йўлда «бизнес»га чоғланган бу фуқаронинг қилмишини нима деб оқлаш мумкин? Бу худбинликнинг «жуда ноёб» кўриниши эмасми?! Ахир, билагаи куч-қувватга тўла, соғлом эркак киши учун даромад топишнинг, тадбиркорликнинг бошқа фойдали ва



атрофдагиларга беэён турлари бисёр-ку. Юртимизда пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, мамлакатимизга олиб кириш, ташиш, сақлаш ва сотиш тақиқланади. Бироқ, минг афсуски, бу тақиқларни четлаб ўтишга уринган «уддабурон»лар ноҳўя хатти-ҳаракатларини тўхтатай дейишмаяпти.

Бухоро шаҳрида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Х.Х. пиротехника воситаларини сотмоқчи бўлиб турган вақтида тўхтатиб қолинган. Фуқаронинг қора рангли пакетлари ичида 12 минг

600 дона пиротехника воситаси борлиги аниқланган. Шунингдек, Ғиждувон туманида фуқаро О.Х.нинг хатти-ҳаракатлари қонун посбонларида шубҳа уйғотади. Унинг қоли холислар иштирокида очиб кўрилган



ника воситаларидан турли жароҳат олиб, саломатлигига жиддий зиён етганини кўрганда, юраги жиз этмаса? Нохушликка беки-тикча «бизнес»и алоқадор бўлишини ўйлаб, виждони уйғонмаса...

нида, ичидан умумий қиймати салкам 21 миллион сўмлик 29 940 дона пиротехника воситаси чиқади. Қонунга хилоф йўл тутганлар жазосини олиши муқаррар. Бироқ биргина ҳолатдаги пиротехника воситаларининг сони ҳар қандай инсоннинг хавотирини оширади. Тасаввур қилиб кўринг, битта эмас, ўнта эмас, биргина ҳолатда 29 940 дона-я! Аслида ушбу воситаларнинг биттаси ҳам бирор кўнгилсизлик учун етарли-ку. Наҳотки, шундайларнинг пиротех-

ника воситаларидан турли жароҳат олиб, саломатлигига жиддий зиён етганини кўрганда, юраги жиз этмаса? Нохушликка беки-тикча «бизнес»и алоқадор бўлишини ўйлаб, виждони уйғонмаса...

Шу ўринда яна бир ҳолатга тўхталсак. Республикамиз бўйлаб пиротехника воситаларининг ноқонуний йўллар билан мамлакатимизга кириб келиши ва сотилишининг олдини олишга қаратилган ишлар масъул вазирликлар ҳамкорлигида туну кун

олиб борилмоқда. Шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, «Янгиқўрғон-Кўқон» йўналишида ҳаракатланаётган фуқаро А.Ш. бошқарувидаги «Матиз» русумли автомашина текширилганда, унинг юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатсиз, Қирғизистондан айланма йўллар орқали олиб кирилган умумий қиймати 18 миллион сўмлик 144000 дона «Британик» номли пиротехника воситаси борлиги аниқланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли бар-


часи ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган буюмлар ҳисобланади. Бу эса одамлар саломатлигига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

Энди яна бир таҳлил: пиротехника воситаларига асосан 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар қизиқар экан. Энг ташвишлиси, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар пиротехника воситаларидан кўпроқ жабр кўришади.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Орамизда болаларининг қизиқиш ва завқини ўйин деб баҳолайдиган, фарзандига «пақилдоқ»ни ўз қўли билан сотиб олиб берадиган, юқорида келтирганимиз сингари болаларча «завқ» оладиган катталар ҳам йўқ эмас. Ёки «Дада, пул беринг?» деса, «Ўғил бола-да, қизиқади» қабилда фарзандининг қўлига яхшигина пул тутадиганлар ҳам бор. Қолаверса, пиротехникани айланма йўллар билан олиб кириб, «бизнес» қилаётганлар ҳам ҳар ҳолда бола эмас...

«Пақилдоқ»лар ҳақида гап кетганда, кўпинча болаларни айблаймиз. Аслида ўйлаб, мушоҳада қилсак, кузатсак, мутасадди давлат органлари бу борада керагича ишляпти, оммавий ахборот воситаларида ҳам чиқишлар қилинмапти, мактабларда-ку ўқитувчилар кунда бир неча бор «пақилдоқ»лар тақиқи ҳақида таъкидлашини биламиз. Нега унда «пақилдоқ»лар пақилла-япти? Биз, ота-оналарнинг этиборсизлиги, нафси ҳақалак отиб, пиротехника воситалари орқали пул топишга чоғланганларга қўли келиб қўлингимми? Демак, айб болаларда эмас, катталарда...

Келинг, эски йил интиҳоси, янги йил ибтидосида оиламиз оёйиши бузилмасин, хонадонимизда яхшилик, хурсандчилик бўлсин!



ИСКАНДАРНИНГ ИЛК КИТОБИ

ИИВ Фаргона академик лицейида иқтидорли, изланувчан ўқувчилар жуда кўп. Искандар Абдурахимов ана шундай фаол ёшлардан бири. У 3-босқичда таълим олмоқда.

2002 йилда Учкўприк туманининг Тепакўрган маҳалласида туғилган Искандар болалар боғчаси мудираси бўлиб ишлайдиган онаси Юлдузхон Солиеванинг алоҳида эътибори туфайли китобхон бола бўлиб улгайди. Айниқса, китобга, бадиий адабиётга бўлган кучли меҳр уни ижод қилишга ундади.

Келажақда ички ишлар органлари ходими бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш истеъдод соҳиби ёзаётган асарларда юрт посбонига хос қатъият, ватанпарварлик туйғуси бор бўйи билан намоён бўлиб туради. Искандар ўз ижод намуналарида одамларни яхшиликка, тўғрисиўзликка, ҳалолликка, она юртини севишга ундайди.

– Искандар Абдурахимов ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланувчан ўқувчи, – дейди лицей директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, истеъфодаги полковник Адхамжон Эсонов. – Уни доим лицей кутубхонасида учратаман. Тез-тез хонамга кириб, маслаҳат сўрайди. Қўлимдан келганча, унга ўғит ва таъвиялар бераман.

Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 29 йиллик байрами Искандар учун қўшалок шодиёнага айланди. Боиси, Фаргона шаҳридаги «Classic» наشريёти томонидан унинг «Бахт куши» номли ҳикоялар тўплами чоп этилди. Бир неча йилдан буён маҳаллий матбуот нашрларида ўз ижодий ишлари билан фаол иштирок этиб келаётган умидли ёш ижодкорнинг бу китоби устозлари ва тенгдошларини ҳам чексиз қувонтирди.

Академик лицейда ўтказилган тадбирда Искандарнинг илк китоби тақдими ҳам бўлиб ўтди.

– Келажақда ИИВ Академиясига ўқишга кириб, соҳанинг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилганман, – дейди ёш қаламкаш. – Бадиий ижод эса ҳаётим мазмунига айланиб бормоқда.

Искандар лицейда таълим-тарбия бераётган ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари Ферузахон Ғозиёва, Шерзод Турдубоев, она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Дилдора Ҳакимова, Гуллола Ҳайдарова, кутубхоначи Умидахон Усмонова каби фойдойи устозларидан беҳад миннатдор. Устозлар ҳам катта ижод ва ҳаёт йўлига дадил қадам билан кириб келаётган Искандарга қаттиқ ишоняди.

Абдусит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фаргона вилояти.

НИҲОЛ

ёшлар саҳифаси

ИИВ Жиззах академик лицейида ўқувчиларнинг қўл жанги, самбо, футбол, баскетбол каби бир қатор спорт турлари билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Бу эса уларнинг республика ҳамда халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишларида муҳим омил бўлмоқда.

ЛИЦЕЙ ФАҲРИГА АЙЛАНГАН



Чунончи, шу йилнинг 25–28 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида қўл жанги бўйича 2003–2004 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги мусобақасида лицей ўқувчиси Шаҳбоз Мўминов 80 килограмм вазн тоифасида 1-ўринни қўлга киритди. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан уюштирилган мазкур мусобақада қатнашган лицейнинг яна бир ўқувчиси Сарвиноз Сапарова 70 килограмм вазн тоифасида шохсупанинг 3-поғонасига кўтарилди.

Худди шундай, 5–6 декабрь кунлари спортнинг таэквандо ITF тури бўйича пойтахтимизда уюштирилган Ўзбекистон кубоги мусобақасида лицей ўқувчиси Севинч Қодирова 52 килограмм вазн тоифасида олтин медаль соҳиби бўлган бўлса, 11–13 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида Универсал жанг федерацияси томонидан ташкил этилган очик биринчиликда Камолидин Нарзуллаев 66 килограмм вазн тоифасида 2-ўринни эгаллади. Ушбу мусобақада 16 ёшли Сардор Раҳматов ўз вазн тоифасида афғонистонлик Халид Ўтак устидан ғалаба қозониб, чемпионлик камари ва олтин медалга сазовор бўлди.

– 9 йилдан буён жанговар спорт турлари билан шуғулланаман, – дейди

Сардор Раҳматов. – Орзуим – ИИВ Академиясида ўқиш, ички ишлар органлари ходимлари сафида Президентимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш. Бугун ўқиб-ўрганаётганларим бу ниятимнинг ушалишида асқатади, деб ўйлайман. Айни кунларда 2021 йилнинг январь ойида Наманганда универсал жанг бўйича ташкил этиладиган мусобақага тайёрланяпман.

Лицей ўқувчилари спортнинг «Usmanov combat systems» тури бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этишяпти. Жумладан, шу йилнинг 13 декабрида Жиззах шаҳрида уюштирилган республика очик чемпионатида Азамат Мангитов 58 килограмм, Фирдавс Абдуалимов 67 килограмм вазн тоифасида майдонга тушиб, барча рақиблари устидан ғалаба қозонди. Уларга Халқаро комбат айкидо ассоциацияси вакиллари томонидан олтин медаль топширилди.

Маълумот ўрнида айтиш керак, лицейнинг бир қатор ўқувчилари вилоят ва республика спорт терма жамоаларининг аъзолари ҳисобланади. Ҳозирда барчаси 2021 йилда бўлиб ўтадиган мусобақаларга ҳозирлик кўришяпти.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.



ОТАМ – ДАВЛАТИМ, ОНАМ – ЖАННАТИМ

*Дунёлар керакмас ёшимда бўлса,
Ота-онам эрур жони роҳатим,
Шодлигим бир дунё қизимам, деса,
Отам – давлатимдир, онам – жаннатим.*

*«Болажоним» дея умри адогим,
Меҳнатда қаварган қўли қадогим.
Умр сўқмоғида нурли чирогим,
Отам – давлатимдир, онам – жаннатим.*

*Ҳар қилган дуоси ёритар йўлим,
Доим таъзимдаман, кўксимда қўлим.
Бор меҳрини берган қўшқанотларим,
Отам – давлатимдир, онам – жаннатим.*

*Арзир узар учун қилсақ жон фидо,
Ҳар дам паноҳингда асрагин худо.
Уларсиз бўларман, бўларман адо,
Отам – давлатимдир, онам – жаннатим.*

Гулярияно САТТОРОВА,
ИИВ Академияси курсанти.



ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ ҚУРОЛ – МАЪРИФАТ

*Дейдилар: дунёга устунмас ҳеч ким,
Ўзингдан яхши ном қолдиргин, дўстим.
Панду насиҳатни ўқмоқлигинг шарт,
Жаҳолатга қарши қурол – маърифат.*

*Тўғри йўлдан юргин, ёмондан қайтиб,
Эрта тонг тургин сен шукрона айтиб.
Дилингдаги доғлар йўқолар, албат,
Жаҳолатга қарши қурол – маърифат.*

*Кимдир қурур ҳамда виждонин сотди,
Кимдир заҳри қотил таъминин тотди.
Сен бу қилмишларни этгин, дўстим, рад,
Жаҳолатга қарши қурол – маърифат.*

*Биродар, қўлингга китобни олгин,
Нисонлар қалбига ёруғлик солгин.
Англагин, бундан-да ортиқ бўлмас бахт,
Жаҳолатга қарши қурол – маърифат.*

Абдуллажон ҚУЧҚОРОВ,
ИИВ Бухоро академик лицейи ўқувчиси.

МУТОЛАНИ УНУТМАЙЛИК

Бугунги кунда кўпчилигимизнинг «ҳамроҳ»имизга айланган смартфонлар фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтирмоқда. Айниқса, айрим тенгдошларим китоб ўқиш ўрнига, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган.

Яқинда автобус кутиб ўтириб, икки тенгдошимни зимдан кузатдим. Бирининг қўлида китоб, худди асар қахрамони билан ёнма-ён яшаётгандек, берилиб мутулаа қиларди. Иккинчиси эса ҳозирда «урф» бўлган «Тик-ток» ижтимоий тармоғига турли бачкана қилиқлари билан ролик суратга оларди. Нима эмиш, агарда унинг видеоси кўпчиликка ёқса, яхшигина даромад олиб келармиш. Маза-бемаза лавҳалари билан «қаҳрамон»га айланишга уринаётган бу каби айрим ҳавойи ёшлар ўз онгини заҳарлагани етмагандек, бошқаларнинг ҳам фикрини чалғитишга уриниши ачинарлидир.

